

ШЕЪРИЯТ БҮСТОНИ

**САЛИМ АШУР**

# **С Е Н С И З**

***ШЕЪРЛАР***

Ташкент  
«Янги яср азлоди»  
2004

Салим Ашур шеърларида безовта руҳ ва беҳаловат қалб, ҳайрат ва ҳаяжон, ишқ ва изтироб, қийноқ ва лаззат, инкор ва эътироф ёнма-ён яшайди. Тирик туйғулар, тинчини йўқотган хаёллар ўз ҳаётига шеърхонни олиб киради. Шеърнинг кайфияти ўқувчига ҳам ўтади. Сўз табиати инсон табиатига таъсир этади.


Шоирнинг ранг-баранг шеърлардан тартиб берилган навбатдаги тўплами сўз санъатидан янгилик излаган зукко китобхонларга албатта маъқул келади, деб умид қиласиз.

10<sup>30460</sup>  
292

A 470262002  
356 (04) - 2004 2004

ISBN 5-633-01572 -x

© Салим Ашур, «Сенсиз», «Янги аср авлоди», 2004 йил.



\* \* \*

Омонат жонимни күйиб хатарга,  
Күёшнинг изидан чиқдим сафарга.

Юрак сиқилганда орзу қиласадим,  
Күёшдек порлашни мақсад билардим.

Қандай порлоқ дердим, қандай юксакда,  
Яшасанг қуёшдек яшаш керак-да!

Осмон нақадар кенг, булутлар пастда,  
Майда гала-ювур, хашак-да, хас-да

Тубанда. Атрофда йўқдир бедодлик,  
Олий инъом эрур бундай озодлик!..

Омонат жонимни күйиб хатарга  
Күёшнинг изидан чиқдим сафарга.

Кўрсам - қуёшга ҳам ҳеч осон эмас,  
Осмонда ҳам олам гулистон эмас.

Само озодликка бўлса-да тимсол,  
Бир мантиқ қошида қолдим буткул лол.

Күёшнинг йўли ҳам чизиб берилган,  
Юлдузлар соқчидек қатор терилган.

Күёш-чи, тоҳ куйиб, тоҳида хира,  
Чизилган чизиқдан чиқолмас сира.

Шу қисматта тобе бўлса қуёш ҳам,  
Мен кимман - бир ожиз, нотавон одам.

Яратган азалдан чиқарган ҳукм,  
Бизнинг вазифамиз бўйинсунмоқ жим.

2000

## **СИЗ УЧУН**

Сиз учун самодан юлиб зийнат, зеб,  
Камалакдан кесиб олиб сарпо, сеп,  
Секин шивирласам...  
Сизни севаман, деб  
Айтсан - ишонмайсиз.

Севгимдан оламга ўт тушганида,  
Бу ўт жонингизга туташганида,  
Сизнинг ўрнингизга  
Мен ёниш учун  
Қайтсан - ишонмайсиз.

Ўтган ҳар кунимда минг бир имтиҳон,  
Соғ-омон ўтмоқча борми ҳеч имкон?  
Минг йўлда милён бор тирналди бу жон,  
Табибим,  
Дардимга ҳеч ишонмайсиз.

Сиз ўтар йўлларга юлдузлар ёқдим,  
Дарчангизга кўниб ой бўлиб боқдим,  
Сиз учун сой, дарё, шаршараларда  
Оқдим, десам  
Ҳеч ишонмаймиз.

2000

\* \* \*

Ёнимда аёл ухлар,  
Жонимда хәёл ухлар,  
Қонимда савол ухлар,  
Мен ҳеч ухлаёлмайман.

Оlam ухлайди ширин,  
Дилда ҳақ сүз яширин,  
Билолмайману сирин,  
Мен ҳеч ухлаёлмайман.

Ухлай деб заҳар ичдим,  
Юрагимдан воз қечдим,  
Вақтни уст-бошдай ечдим,  
Мен ҳеч ухлаёлмайман.

Дунё қачон уйғонар,  
Тоңт нурида чүгланар?  
Теграмда олам ёнар,  
Мен ҳеч ухлаёлмайман.

2000

\* \* \*

Бу жаҳон айвонида  
Үтолмадим қир оша.  
Юрагим майдонида  
Тутамайды томоша.

Баҳорим тошқинлари,  
Умримнинг ишқ аёзи,  
Кузимнинг ёлқинлари,  
Севгимнинг гўзал ёзи,

Оқиб ўтди тўзондай,  
Чўлдай қақраб уйғондим.  
Сўзсиз қолтан сўзондай,  
Сувсиз қолтан ўзандай,  
Тупроқларда тўлғондим.

2000

\* \* \*

Бу қандай фасл бўлди?  
Ниятлар асл бўлди,  
Кулбалар қаср бўлди...  
Мурод ҳосил бўлмади.

Мурод ҳосил бўлмади,  
Йиглаганлар кулмади,  
Йиқилганлар турмади,  
Бу қандай фасл бўлди?

2000

## ДУНЕДА ЎЗ ИЗИМ БОР

Бир ўғил, бир қизим бор,  
Дунёда ўз изим бор.  
Ҳаётга кулиб боқсан  
Икки ўткир кўзим бор!

Бир ўғил, бир қизим бор,  
Күкда қүш юлдузим бор.  
Бир сўлиб, бир кўкардим,  
Бақувват илдизим бор.

Бир ўғил, бир қизим бор,  
Баҳорим бор, ёзим бор.  
Сарғайсам - оғринмайман,  
Шошмай келган кузим бор.

Бир ўғил, бир қизим бор,  
Жонимга тент тўзим бор.  
Дашт йўқ, отам, онам йўқ,  
Гоҳ паришон ўзим бор.

Бир ўғил, бир қизим бор,  
Бир созим, бир сўзим бор.  
Дилда, шуларни асра,  
Деган нола - бўзим бор.

Қайта қайтган ўйим бор,  
Энди яна тўйим бор.  
Бездим эски куйлардан,  
Янгича бир куйим бор.

Боссам ҳар қадамим чўғ,  
Мендан ўзга мискин йўқ.  
Ҳамма нарсам бор, аммо,  
Кўнглимга бир таскин йўқ.

Нима бўлса бўлди, хўш,  
Қадаҳим лим тўлди, хўш.  
Гулларим бир очилиб,  
Яна бир-бир сўлди, хўш.

Энди насибам бутун,  
Бағримдан чиқмас тутун,  
Энди ўлсам арзийди  
Ўғлим ва қизим учун.

2000

## **ЕРУГЛИККА ИНТИЛАР ГУЛ**

Тош деворга дарз кетарми,  
Баҳорларга арз етарми,  
Кўрилмаган марҳаматга  
Дунё бизни қарз этарми?

Деворнинг синган гиштидан,  
Метин тошлиар тирқишидан,  
Гоҳ кўриниб тим - осмонга,  
Тола нурдай титраб нукул,

Энг камида бир инсондай  
Еругликка интилар гул.

2000

\* \* \*

Нигунларнинг сафидан таялаб,  
Менга бахтлар ато этдинг сен.  
Қон ярамта босиб малҳам - лаб,  
Мен бормаган юртга элтдинг сен.

Бу боғларнинг юпун руҳида  
Шопуллаган ёшлик эмасми?  
Бир дараҳтни қучиб йиғласам,  
Эслолмайман сени, демасми?

Даргоҳига бош уриб келсам,  
Мени қабул қиласими бор?  
Бу боғларнинг хазони кўпми  
Ёки менинг қалбимдаги доғ?

Аллақачон чиқиб кетганман  
Бу боғларнинг маҳзун ёдидан.  
Аммо нега жонимга ҳамон  
Титроқ тушар хотиротидан.

Хаёлимга келтирмай туриб,  
Юрагимга кириб улгурдинг.  
Эй, бор, наҳот бутун ортимдан  
Бир қиз бўлиб ўзинг югурдинг?..

Йўқ, бўлганман, чиқиб кетганман,  
Бу бор менга жудаям таниш.  
Ғамларига ёлғиз етганман,  
Бу боғларнинг мазмуни - ёниш!

Кўзимдаги бор нур, зиёни,  
Юрагимнинг ҳар бир торини  
Ва жонимнинг барча риштасин,  
Бошимдаги қисмат қорини,

Энг муҳими (бу жуда муҳим),  
Умримниң бор йилларини ва  
Бор кунлари, соатларини,  
Хар дақиқа, сониятча

Бир ҳовуч сув каби тутсам мен,  
Бир гул учун асрагил, боғим.  
Чанқаб келиб ичганда  
Сира  
Оғримасин лаби, дудоғи.

2002

\* \* \*

Ёшлигимниң осмонларида  
Қанот қоққан бегубор құшлар,  
Хәстимниң армоналаридан  
Үқ теккандек тупроққа тушар.

Ёшлигимниң осмонларида  
Хаёл каби түзгийди пар, пат,  
Кечаларниң достонларига  
Сиғмас бир пар ҳақдаги ҳасрат.

Ёшлигимниң осмонларида  
Енар янги-янги юлдузлар,  
Мени ишқиниң ошёнларида  
Бир гул каби излайди қызлар.

Ёшлигимниң осмонларига  
Оқиб киар өйдан өйдин өй,  
Хажриниң дашт, ёбонларидан  
На уйим бор, на холироқ жой.

Ёшлигимнинг осмонларида  
Муқимлик йўқ. Ўткинчи бари.  
Мен тақдирнинг довонларидан  
Ўтолмайман сира сен сари.

Ёшлигимнинг осмонларида  
Шамол каби тебранар хаёл,  
Юрагимнинг қатроңларида  
Ўз-ўзини қидирар аёл.

Ёшлигимнинг осмонларида  
Шабадами, умр эпкини,  
Дунёнинг бор томонларида  
Ёйган сенми севги сепини?

Ёшлигимнинг осмонларида  
Юлдузлардек уйтоқ кўзларим,  
Фақат - кетма хазонларимдан  
Таъсир қилса сенга сўзларим.

Ёшлигимнинг осмонларида  
На кеча бор, на тун, на зулмат,  
Тополмагай сўзоnlаримдан  
На дўст, душман ва на хукумат.

Ёшлигимнинг осмонларида  
Чақмоқ чақар, гурлайди қуёш,  
Қолмоқ учун бўстоnlаримда  
Етадими сендаги бардош?

Ёшлигимнинг осмонларида...

2002

\* \* \*

Кунлар ўтди, ойлар ўтди,  
Йиллар ўтди,  
Неча-неча йўллар ўтди,  
Диллар ўтди.

Юрагимдан барча кетди,  
Сен кетмадинг,  
Ҳаётимни, хаёлимни  
Тарқ этмадинг.

Бир кўрай деб  
Тирик чиқдим оташлардан,  
Бир кўрай деб ўлмай келдим  
Савашлардан.

Саҳарларда бир тишласам  
Иссиқ нондан,  
Софингларинг ўтиб кетар  
Мингта жондан.

“Дадажон” деб чопиб чиқса  
Ўғил-қизим,  
Юрагимнинг энг тўрида  
Не узилди?

Ўзга юртлар боғчасида  
Гул очасан.  
Тунларимга юлдуз каби  
Нур сочасан.

Қисмат энди иккимизга  
Карашмайди,  
Сенга жонни нисор этсам,  
Ярашмайди.

2000

\* \* \*

Дилимизда баҳору  
Тилимизда баҳорсўз:  
“Яна келдингми, Наврўз?  
Яна келдингми, Наврўз!”

Онамни соғингандай,  
Отамни соғингандай,  
Ёримни соғингандай,  
Боламни соғингандай,  
Соғиндим сени, гузсўз,  
Яна келдингми, Наврўз?  
Яна келдингми, Наврўз!

Чирой очди бойчечак,  
Даладаги ой чечак,  
Жаранглаб ҳаёт сочди,  
Тоғлар тугунин ечсак,  
Қир ёпинди яшил бўз,  
Яна келдингми, Наврўз?  
Яна келдингми, Наврўз!

Синди аёзнинг тиги,  
Тинди ғам, йиги-сиғи,  
Майса тешган қалқон ҳам  
Тинч ҳаётнинг ошиғи,  
Дунёни уйғотади

Болаларнинг қўшиғи:  
Эй, тулпор, шамолдан ўз,  
Тўлди дилда каму куст:  
Яна келдингми, Наврўз?  
Яна келдингми, Наврўз!

Катта ўчоқ қазайлик,  
Дошқозонни осайлик,  
Арпа-буғдой босайлик,  
Қишлоқни унутиб,  
Сумалакдан татийлик.  
Юракни илитади  
Шамс - фалакдан боқсан кўз,  
Яна келдингми, Наврўз?  
Яна келдингми Наврўз!

2000

\* \* \*

“Осмон тўла юлдузлар,  
Қани менинг юлдузим?..”  
Уммон тўла кундузлар,  
Қани менинг кундузим?

Тўрт тарафга қарайман,  
Чаманлар кўп, гуллар кўп,  
Сен томон элтадиган  
Сўқмоқлар кўп, йўллар кўп.

Боғлардаги дарахтлар  
Сен ҳақингда шигирлар.  
Изларингни баҳорлар  
Майсазорга битдилар.

Шабада сочиб кетди,  
Сочларингниг бўйини.  
Мени хазон эттайди  
Қисматнинг бу ўйини?

“Гур-р” этиб кўчиб кетди,  
Ёшлик деган қушларим.  
Топиб бер деб қиинайди,  
Кечалари тушларим.

Тунларим қаро бўлса,  
Кўзингни соғинаман.  
Бағрим минг пора бўлса,  
Ўзингни соғинаман.

Лекин сен чорламайсан,  
Мен сенга етолмайман.  
Бир эмас, минг жонимни  
Ҳеч тортиқ этолмайман.

“Осмон тўла юлдузлар,  
Қани менинг юлдузим?..”  
Уммон тўла қундузлар,  
Қани менинг қундузим?

2000

\* \* \*

Чеҳраси ой, мағрур қиз,  
Хаёллари оғир қиз.  
Сен деб қалбим оғрир, қиз,  
Бир қиё боқиб ўтинг,  
Қалбимни ёқиб ўтинг.

Сиздан нур сочилади,  
Куриб гул очилади,  
Тугуллар ечилади,  
Бир қиё боқиб ўтинг,  
Қалбимни ёқиб ўтинг.

Дунё сиз билан кўркам,  
Сиз билан кўркли кўклам,  
Биз зорлар томонга ҳам  
Бир қиё боқиб ўтинг,  
Қалбимни ёқиб ўтинг.

Оlamда энг тўзал - сиз,  
Ёзилмаган ғазал - сиз,  
Қанту новвот, асал - сиз,  
Бир қиё бэқиб ўтинг,  
Қалбимни ёқиб ўтинг.

Сиз — малика, биз — гадо,  
Ишқингизда биз адo,  
Сизни асрасин Худо,  
Бир қиё боқиб ўтинг,  
Қалбимни ёқиб ўтинг.

2000

\* \* \*

Ёшлик ўтган боғларимда  
Тўзғир хазон.  
Бу боғларда қадам қўймоқ  
Эмас осон.

Хазонларнинг ўомида  
Ухлар шамол.  
Шамол эмас, ўюм-уюм  
Сўнган хаёл.

Бу дарахтлар аҳил, содиқ  
Дўстларимдир.  
Чандиқлари умримнинг  
Кам-кўстлариидир.


У чоғларда оламни ҳам,  
Кўнглимини ҳам,  
Кўнгиллардан ўтган равон  
Йўлимни ҳам

Қалқиб-қалқиб ёритарди  
Меҳрибон ой.  
Лекин мени йўлдан урди  
Тенгиз чирой.

Кўнгил бериб йўлларимни  
Йўқотдим-ку.  
Бол деб ўйлаб заҳар-  
Заққумлар тотдим-ку.

Шу тахлитда ёнигитим ҳам  
Бўлди хазон.  
Бу боғларда юрмоқ энди  
Эмас осон.

2000



\* \* \*

Кўзимни кўр, ўзимни  
Лолу ҳайрон этди ишқ.  
Зеру забар — сўзимни,  
Дилим вайрон этди ишқ.

Чиқиб ўнгу сўлимдан,  
Адаштириди йўлимдан,  
Макон тутиб кўнглимдан,  
Мени сарсон этди ишқ.

Васлига етолмайман,  
Ё ташлаб кетолмайман,  
Баҳридан ўтолмайман,  
Мени ҳайрон этди ишқ.

Кечалари сирдошим,  
Олисдаги қуёшим,  
Олиб сабру бардоппим,  
Мени гирён этди ишқ.

Кўрмасам туролмайман,  
Кўрсам ўргилолмайман,  
Исмини сўролмайман,  
Дилим осмон этди ишқ.

Ҳаётимнинг нури бўл,  
Ҳаёлимнинг гули бўл,  
Богимнинг булбули бўл,  
Рангим сомон этди ишқ.

Софиниб борсам агар  
Писанд эмас хавф-хатар,  
Аҳволимдан бехабар  
Кўп саргардон этма, ишқ.

2000

\* \* \*

Гулім, сизни ҳәётимнинг  
Бир тухфаси билай ман.  
Сизга ёруг кундузлару  
Ойдин тунлар тилайман.

Ҳамроҳингиз содиқ қүёш,  
Садоқатли ой бўлсин.  
Сизнинг висол гўшантангиз  
Тахтиравон жой бўлсин.

Қошингизда ўсма баҳтли,  
Кафтингизда - хинолар.  
Сизга фидо бўлсин, гулім,  
Етти иқлим - дунёлар.

Сиз ўғсангиз нафас олмай,  
Боғлар қолур жим, жим.  
Йўлингизга гуллар сочган  
Мендан бошқа ким, ким?

Ҳар қадам, ҳар қарашингиз,  
Ҳар сўзингиз - ҳәётим.  
Қалбингизни илитмасми,  
Оху зорим, фарёдим?

Нафас каби яқинсизу  
Юлдузлардай узоқсиз.  
Мұдаббатнинг сандигида  
Жавоқирдай мунчоқсиз.

Күчантаздан умид билан  
Үтдим шомда, саҳарда.  
Аммо йигит умрим менинг  
Қолди хавфда, хатарда.

Сизга ёруғ күндузлару  
Ойдин түнлар тилайман.  
Мингта жоним бўлса - барин  
Сизга фидо қиласай ман.

2000

\* \* \*

Тун билан кун гаровларда...  
Тонг оқарди.  
Боғларни оқ оловларда  
Қиши ёқарди.

Иzlарингни тополмайман...  
Сўзларингни.  
Кўзим боғлаб ўполмайман  
Кўзларингни.

Юрагимни забтга олиб,  
Муз қоплади.  
Суягимни ўтга солиб,  
Ишқ тоблади.

Дил тутунин ечолмайды  
Қаро түшлар.  
Күзларини очолмайды  
Хатто қушлар.

Йиглайману күзимдан ёш  
Келмайды ҳеч.  
Бу не тоңгки, йүқдир қүёш,  
Бүлдими кеч?!

Жон мисоли рухга етар  
Овозсиз күй.  
Күтаролмай синиб кетар  
Мен курган уй.

Изгириналар чопишиади  
Оламларда.  
Толе билан топишиади  
Одамлар-да.

Бутун олам менга қарши,  
Менга қарши.  
Мен ёмонман, ҳамма яхши,  
Ҳамма яхши!..

2000

\* \* \*

Күнглимини бир ғашлик чулгай бошлади,  
Мени бир ноаён ўтга таплади.  
Үнугилган бир ҳис күзим ёшлади,  
Билмайман, нимани истайди бу дил.

Биламан, топмайман изларингни мен,  
Рұға жон бағишилар сўзларингни мен,  
Зулмат кўчаларда нима излаймен,  
Билмайман, нимани истайди бу дил.

Турналар келдию қайтиб ҳам кетди,  
Видо қўшиғини айтиб ҳам кетди,  
Севгинг ва соғингчинг бошимга етди,  
Билмайман, нимани истайди бу дил.

Кунларим гоҳида равон оқдилар,  
Кўнглимда ишқингдан чироқ ёқдилар,  
Бутун-чи, дўстларим ҳайрон боқдилар,  
Билмайман, нимани истайди бу дил.

Мен учдим толгунча ёшлиқ қанотим,  
Куйладим етгунча созим, баётим,  
Сенга бағишиладим юзта ҳаётим,  
Билмайман, нимани истайди бу дил.

2000

## СЕН

Узокда бир нуқта сузади -  
Кўнимсиз.  
Элас-элас чалинади бир товуш -  
Юракка.

Мен сари сузмоқда нуқта,  
Яқинлашган сари улканлашади.  
Товуш ҳам ийманиб  
Кўтаради пардаларини.

Мени ютиб юбормоқда  
Ичи ғовак баҳайбат нуқта.  
Вужудимни соз каби чалар  
Суягимга кириб олган күй.

2000

### **ПУШАЙМОНЛИК**

Онамни кўргани бора олмайман.

Мен эмас,  
Қабрим бориб кўради ҳар гал.

2000

\* \* \*

Кўзим чўкмоқда менинг,  
Кўнглим янада чўккан.

Куёшнинг ёруғлиги  
Тушмас қудуқ — юрагим.

Елкамнинг чукурига  
Дунёни кўмиб қўйдим.

2000

\* \* \*

Кўзларидан ҳайрат сочади  
Куёшнинг бир ушоғи — қушча.  
Сайрогининг сирин очади —  
Ёлғиз менга аён тушунча.

Күшча, ўзга бир деразага  
Соғинчим элт, ул қызни овут.  
Кўкрагига ўпичдек кўниб,  
Кўшиғинрда гулдасталар тут.

Қанотларинг ёмғир эласа,  
Кипригини хўл қилса ёши,  
Тилагимга етмасам — кузги  
Чечак каби сўлур қуёшим!

Юрагимдан кўчирма олиб,  
Кўзларимдан элтгин хабарлар.  
Майли, баҳтнинг ўйида тоясин,  
Баҳт ўйидан йироқ хатарлар...

Кўзларидан ҳайрат сочади  
Куёшнинг бир ушоги — куичча.  
Менга аён изоҳсиз баён —  
Ул сулувга боғлиқ тушунча.

1986

### **АСКАРНИНГ АСРИ**

Куёш — мина,  
Қоя — кемага  
Урилди, садосиз портлади!  
Ложувард осмоннинг ўзгарди туси,  
Ёниқ осколкалар порлади.

Тревоға!  
Зириллар аппарат.  
Үйқусиз чол каби қўзғолар хуфтон.  
Оёққа туради сезгилар,  
Оёққа туради висолу ҳижрон.

Дарахтлар тишлайди саросимани.  
Баҳайбат хавфларнинг дандонларини,  
Прожектор назарин тишлайди хоблар.  
“Иигитлар шошилинг!”  
“Дўстлар, шошилинг!..”  
Даҳан — чумолининг бузилган ини.  
Хуркак кантарлардай кўчар хитоблар.

Ва жасур юракнинг чегарасида  
Улуг саф —  
Жасорат,  
Диёнат.

Шу тун мэргга зор қолган  
Фарзандлар дийдори — муҳаббат.

Фунчалар лабида,  
Окоплар тұла  
Зарбга шай таҳлика —  
Жонли каскалар.  
Бир муддатни жиддий кутар плацдарм.  
Эзгу тилакларнинг траншеялари  
Қалбга —  
Ватан севгисига келиб тақалар.

Навқирон муҳаббат танклари  
Катта калибрли  
Faфлат ўрмонларин қўпорди.  
Дурахшон Ҳаётнинг ҳабибларимиз.  
“Уруш” —  
Сўздан зада забоним  
Автоматларидан  
умри жовидон  
Ўт сочиб учмишдир,  
кечмишдир.

Балиқлар ёнади дарёларида.  
Тўшонча изли кафтдир  
харита.

Жайрон қарашли тогу тош  
Осойишта,  
сариншта,  
фариншта.

Рұхимга тўлқинлар бостириб кирди.  
Қайиқдай оқимда кетди бир сасим:  
Ҳаётимнинг ҳар бир нуқтаси  
Ватан севгисининг кульминацияси!

Тревога!  
Шиддатлар узали тизгинни.  
Ватанини севишта барча сафарбар!  
Қалб океанида қайноқ циклонлар, —  
Инқилоб руҳиятли  
Даҳри муанбар..

Ватанини севишта сафарбар барча:  
Ким ҳарбий формада,  
Ким комбенизонда.  
Ким қўлида қалам,  
Кимдир тўп билан —  
Ватанини севишта сафарбар барча!

Рұхимда чопарлар чопиб юрибди...  
Полигон —  
Снаряд склетли ҳар тоші, —  
Танклар шовқинида ўрмонлар титрар.  
Ўқлар ориентир олган томондан  
Кийик боласи кўринди.

Хавфга беэътибор олдга чопдингиз,  
Кўтардингиз кийик боласин баланд.  
Жасур посбонларнинг синглиси  
Ўша кийик боласи —  
Ватан!

Руҳимда суворий кезиб юрибди...

Кечмипингдан фожеъ ўқийман, ўлкам,  
Фожиалар ичра кечмишинг мавжуд.  
Нечта қилич, найза ясалган бўлса,  
Ҳар бири кўксингта берди-ку озор.  
Менинг ҳам кўксимни кемираётган  
Гулфишон орзулар осколкаси бор!

Сафдошим,  
Ёнмоққа камарбастамиз.  
Ўткинчи бўрондан йиқилма ногоҳ!  
Ушбу ҳақиқатни аниқ танидик:  
Ҳақиқат, Тинчликка  
Ҳаёт қароргоҳ!

Ҳаёт!  
Сени яхши кўраман!  
Ватан!

Сени яхши кўраман!  
Ҳаёт, сен умр бер севгилаrimга!  
Бу севгида услуб йўқ,  
Бу севгида бор фақат мазмун.  
Бу мазмуннинг изоҳи шундай,  
Бу изоҳнинг иловаси шу:

Кўксимда бир хуррам  
Куёш бор учун.  
Севгим!  
Энди кўрсатгил кучинг!

Рұҳимга тўлқинлар бостириб кирди.  
Қайиқдай оқимда кетди бир сасим:  
Ҳаётимнинг ҳар бир нуқтаси  
Ватан севгисининг кульминацияси!

Тревога!  
Асаблар занжирин узди сабрнинг.  
Ханжарлар бўғзимда синади.  
Мен ёниб кетяпман келажак сари,  
Мен ёниб кетяпман Тинчликка томон!  
Отам ошиқади  
Илгари  
Кўлида кетмон.

Йиллар дарёсини ичиб тутатдим.  
Мурод-мақсадига етди фурсат ҳам.  
Юрак чопаяпти тезлаб тобора  
Бў дам —  
Безовта Олам.  
Безовта Одам.  
Безовта Отам.

Отамни кўрмоқчи эдингиз,  
Ажойиб қизиқиш қанотларида,  
Толган хаёлларнинг имдодларида  
Жўшқин шавқ монанд.  
Марҳамат, ўртоқ лейтенант,

Мана у — кетиб боряпти,  
Пенсияга чиққан,  
Ишлайди,  
Хурсанд.

Отамни кўрмоқчи эдингиз,  
Мана у —  
Юрагининг безовта уришларини,  
Қирқинчи йилларнинг урусларини,  
Ғўзаларнинг хаёл сурисларини,  
Асрнинг ҳайбатли туришларини  
Митти жуссасида муштарак этиб,  
Ёлон,  
Хиёнатни  
Ардоғи,  
Кийноғи зенитларида  
Нишонга олган.

Падарим шаънига субҳон эмас бу,  
Муалло ақида эмас бу,  
Ёғийга муқобил жанг учун  
Қуролин илгидан ташлаган эмас,  
Тинчлик кишиварининг партизани у!

Отам  
Набиралар завқин қасрларида  
Қирқинчи йилларнинг таваллосидир -  
Давр жароҳатларидан  
Бадани чандиқли қалъя.  
Ушбу Обиданинг лақаби  
Хаёт.  
Хаётнинг лақаби  
Тинчликдир!

Үшілмаган қизнинг қучоқларида,  
Қархамон онанинг түлроқларида,  
Оиланинг серфайз ўчоқларида,  
Тетапоя гұдак сүқмоқларида  
Илинж бор,

Таскии бор,

Умид бор;

Саодатнинг дарахтларида

Кувонч бор

хушифор

пуранвор

Тинчлик номи билан гуллаган!

Жаңои!

Сен меҳнатни эмиб улғайдинг.  
Меҳнат Одамни Оlam қилди,  
Отамни Одам қилди.

Эсингни таниганингда

Жаңои сенга айттолмади ростини.

Фақат

Үн еттинги йилда буюк санчиқ билан  
Номинги қичқириб юбординг,

Замин!

Замин!

Одамни сен мендан яхши биласан,

Отамни сен мендан яхши биласан.

Агар айтадиган гапларинг бордир,

Айт,

Ранжимасин ҳарб киши.

Сўзла,  
Яшар у сукутда овозлар билан,  
Сунъий йўлдошларда парвозлар билан.  
У монолит асослар билан яшайди,  
Ҳам буюк қасослар билан яшайди.

Уруш йилларидан қасоси бордир.  
Чекинган йўллардан қасоси бордир.  
Саботини кемираётган аламлар билан,  
Ўша йилларга аччиқма-аччиқ —  
Яшайди  
ҳар сонияни  
Асрларга тенг қилиб.

Чекинган йўлларга аччиқма-аччиқ  
Мана, бутун у  
Зухрога ҳам қадам қўйди.  
Тунлар осмон билан сирлашади у.  
Эзгуликлар билан бирлашади у.

Тунлар дала билан сирлашар отам:  
Тунларда қудратли мудофаада туриб,  
Тонгларда шиддатли хужум боштайди,  
Армонли йилларнинг зўр ўчи билан,  
Билагидан оққан пинҷон кучи билан.  
Руҳидаги шижоат черигин  
Чекинган йўлларга қарпин  
Ваҳмали атакага турғизар ўзи.

Қуёш отам билан чойлар ичади,  
Ой отам билан зулмат иқлимин кечади.  
Юлдузлар отамнинг чироги —  
Хеч қачон ўчмайди!

Қаламимда менинг ўткир оҳ-воҳлар:  
Отамнинг умри  
Дунёнинг умридай,  
Ҳаётнинг умридай,  
Тинчликнинг умридай  
Кўп узоқ бўлсин!  
Саодат ўлкаси саналмиш Ватан  
Тўнгич фарзандини кутиб олган  
Навқирон йигитдай  
Яйрасин, кулсин,  
Абадий турсин!

Рұхимга тўлқинлар бостириб кирди.  
Қайиқдай оқимда кетди бир сасим:  
Ҳаётимнинг ҳар бир нуқтаси  
Ватан севгисининг кульминацияси!

Тревога!  
Етти ёщдан етмиш ёшгача  
Етмиш томирида қувват йигади.  
Она-Ўзбекистон  
Боғларни ташлаб,  
Далага югуриб чиқади.

Бахтиёр дардлари тутади кузнинг.  
Ҳар ўзбек қаҳрамон! Ортиқча ҳар сўз.  
Ўзбеклар бор учун танидинг ўзни,  
Ўзингнинг қадрингни тушундинг, сен Куз!

Куз!  
Ўқ-доринг — ташвиш,  
Тенгсиз жангтоҳсан.  
Бунда жанг боради,  
Ҳар жон жангчидир.

Бир томон ҳаловат,  
Бир ён мұхаббат,  
Юрак, тирик бўлсанг  
Қафасни синцир!

Ҳали ўчгани йўқ карвоилар изи,  
Ҳали хотирада музaffer ҳар жон...  
Юртим,  
Яловингни

баланд кутаргин,  
Бахтиярга кўзини тикибди  
Жаҳон!

Ўзбекистон!  
Кунларнинг қўлидан тутиб юурдим.  
Ҳайратнинг донини терди оғим.  
Фикрий андозалар тор келди менга,  
Кўзларим меҳрини сенга юбордим...

Куролдош дўстимиз оқиб кетганда  
Бир асов дарёнинг "тили"ни билмай,  
Ўзининг жонини ўйламай,  
Дўстини фалокатдан халос этган  
Йигит

қалбидаги Жасорат,  
Мұхаббатсан,  
Ўзбекистон!

Олис фироқлардан руҳим толганда  
Юзимни аргувон хаёлга бурдим.  
Йиқицдим.

Ендим.

Оқдим,

Лескин  
Номингни кўзим қорасидай  
Ардоқлаб юрдим!

Йиллар ўтиб кетар  
беомон,  
Йўллар келиб етар  
бехато,  
Ўзбекистон,  
Жаҳон давлатлари сафида  
Бор бўл,  
Тургунча Дунё!

Ўртоқ лейтенант,  
Мана, сизни  
Ўзбекистон билан ҳам  
таништирдим оз-моз.

Агар  
бир нигоҳда кўрмоқ истасангиз  
Юртимнинг  
тарихин,  
Хозир,  
иқболин,  
Келинг,  
онам билан ҳам таништирай,  
холос...

Ўртоқ лейтенант,  
Сизни таништирдим бир қадар  
Отам билан,  
онам билан.

Азобларим билан,  
Күвончим билан.  
Ватан билан дейишта күркәмән,  
Юртимни танишда күмак бергансиз.

Рұхимга тұлқындар бостириб кирди.  
Қайықдай оқымда кетди бир сасим:  
Хәётимнинг ҳар бир нұқтаси  
Ватан севгисининг кульминацияси!

Тревога!  
Сокин майхоналар дод солар,  
Пляжлар хувиллаб ётибди.  
Театрда актёрларнинг мимикаси шикаста.  
Экранда  
Кадрлар лентадан қочади.  
Кинотомошабишиларнинг ичида кимдир йүк.  
Бозорда,  
саватда

Кызларнинг  
Үзлариңдай чиройлы гулдасталари  
Бир харидорни кутади маңзун.

Үртоқ лейтенант,  
Роҳат  
Эсидан оғиб боряпти.  
Бир зум диққат қилинг,  
Диққатни жамлаб,  
Эътибор қилинг:  
Бугун сиз ҳаммага кераксиз.  
Бугун сиз Дунёға кераксиз.  
Ором сизге керак бўлмаса ҳам  
Бугун сиз оромга кераксиз.

Оромга кераксиз  
Фидойилитингиз билан;  
Оромга кераксиз  
Тинчлик деб қайғуришингиз билан...

Келинг,  
Тўлдириб юрайлик  
майхоналарни,  
пляжларни.

Театрларни,  
экранларни,  
кино залларини...

Жуда қисқа муддатга бўлса ҳам  
Келинг.

Хаританинг кераги йўқдир,  
Менга яхши таниш ҳар тараф.  
Балки тўйим бўлар яқинда,  
Тўйга сиз ҳам мукаллаф.

Ватанинг камоли учун куйдилар,  
Қалбим,  
Қолдирмасдан ҳар қатрасин ич!..

Келинг,  
Мен сизни кутяпман, —  
Бошқаларни кўргим келмаяпти ҳеч!

1985

\* \* \*

## 1

Сой бўйида, тол соясида,  
Капалаклар ҳимоясида

Оёгини сувга солган қиз,  
Либосини қўлга олган қиз,

Кўкрагинга қилса ҳасад, кин,  
Балиқларнинг кўзи ўйилсин!

Сувга ташлаб сочинг учини  
Парча-парча қил мавж кучини.

Ё сочингдан балиқларга тўр, —  
Ҳавас учун кирар, — ташлаб кўр.

Капалаклар терлаб қўриқлар,  
Тишламасин дея балиқлар.

## 2

Шафтолини тишлаб, дилобар,  
Мазасини сезмадинг агар.

Ҳайрон бўлма, лабларингда таъм  
Минг бор ўткир, меваларда кам.

Катта кучлар оз кучни, алҳол,  
Вужудида сезмоги маҳол.

3

Чүчинқираб тош, дарахтлардан,  
Сувга тушиб күйлаги билан

Қирғоқларга урилиб, янграб,  
Майда-майда синиб, биланглаб,

Оқдан ойни билакларига,  
Кұзларига, күкракларига,

Яширди-ю, олиб кетди қиз  
Ва соқилда қолиб кетди из.

4

Күчамдан тох үттан, қайттан қиз,  
Даричамни черт, деб айттан қиз,

Эшитимни тақиллат баъзан,  
Баъзан кутай сени дард билан.

Рўмолингни сен еч баъзида,  
Судбат аро чой ич баъзида.

Годо суюб мақтаса онам,  
Кувватласин тоҳо синглим ҳам.

Мен томонга тоҳ-тоҳ қараб қўй,  
Тоҳ-тоҳ қизиқ, қачон бўлар тўй.

Тоҳида сен кетсанг бетоқат...  
Пинҳон тутай тоҳида мен хат.

Еққин, аввал ўқигин тоҳи,  
Ботсин тоҳи дилинга оҳи. —

Кўнглимдан тоҳ ўтган-қайтган қиз,  
Кўчамдан тоҳ ўт, деб айтган қиз...

5

Нарх йўқотди тобоним зари —  
Кетмоқдасан ёлғоним сари.

Бўйсунмади хоҳишинг зайди,  
Кўй, синмайди ройишинг майди.

Яхши боргил, фақат, илтимос,  
Унутмадим дея хатлар ёз.

1985

\* \* \*

*Альбомга*

Ўн саккизда гул очтан шу қиз,  
Ўн саккизда дил оштан шу қиз,  
Ўн саккизда бўй сочтан шу қиз  
Ўн саккиздан ўтар бир кунда.

Ўн саккизда севилган шу кўз,  
Ўн саккизда севилган шу юз,  
Ўн саккизда севилган шу қиз  
Ўн саккизда қолади мангу!

1985

## **КАПИТАН ХНИНГ ВАТАН ҲАҚИДАГИ ХУСУСИЙ МУШОҲАДАЛАРИ**

Туннинг баркамол азоблари  
Забаржад кўзларда жилоланади.  
Вахиманинг аччиқ бармоқларини  
Ачинмай тишлаб оламан.

Қандай баҳодирлар, қандай ботирлар...  
Қандай камончилар, қандай ёйчилар...  
Хотиним,  
Кучогимда камон ўқидай,  
Кўллари  
жасадимни  
мулойим  
қайчилар.

Бу кўркунинг исини ёддан биламан:  
... Шунаقا...  
шундай...  
худди шундай...

Кириш...  
Сўнг Асосий қисм.  
Хулоса...  
Сизга ҳавола.  
Баривир менга аён.

Узлуксиз бир китоб ўқийман:  
Доруломон мантиқлари бор, —  
Эрамиздан аввал яшаган  
аждаҳолар  
Кулогида исирға каби.

Үзим түкқан күзларимнинг  
Хар қаттиқ сўзини,  
Хар юмшоқ сўзини,  
Хар қора соясин,  
Хар оқ соясин  
Үзим түкқан юрагимнинг  
Ён дафтарчасига зикр этдим.

Юрагимни ўзим түкқанман.  
У мен учун ҳаққа пешравдир.  
Ҳозир кўзи очилган кучук боласидай  
Изидан татаббуъ қилдим.

Кўзларим ва юрагимдан бошқам,  
Шуларга тегишли шахсимдан ташқаридағилар  
Ота-онам ижодининг  
Менга бағишланган  
етук асари.

Бу маҳсулнинг  
тутуни,  
ечими,

Қиссадан ҳиссалари  
“Шашмақом” нинг  
Маликалар кўйлагидай узун мақомларида  
Менга мақбул йўсинда  
Рақсга тушади.

Юрагим — истамаганларим.  
Юрагим — қўрқувларим.  
Чорак аср бўлди,  
Оёқ-қўлини занжирлаб,

Дўзахдай зинданга ташлаганимга.  
Фақат одам қони билан боқсам ҳам,  
Бўйнита тош боелаб,  
Ўз қонимга чўктириб юборгай бўлсам ҳам  
Не маҳшар куиларни солар бопимта.

Хар тишимида  
Ўтгиз икки хил оғриқ,  
Ахратиб бўлмайди  
Бешинчисидан олтинчисини...  
Типларимнинг илдизларига  
Чирмашиб ётибди илонлар.  
Дандонларимни эмас,  
Илонларни боқаман.

Вужудимни кемирар ёвуз...

Даричадан боқаман:  
                                  бандим — ...  
Ашаддий юходай  
                                  хунимни  
Фижирлатиб симирар...  
                                  Кемирар...

Неча бор майсалар яшига тегдинг,  
Неча бор ранжитдинг тупроқни,  
Оёғим,  
Зерикмадингми,  
Нукул этик билан яшашдан?  
Тушларинга кирмасми туфлилар?  
Худди

Тушларимга  
Намхуш, дуд тұла палаткаларнинг  
Сарғишиң күйлагидан  
Хақиқатдай ўтиб киролған  
Хотиним ё ўғлим рүёси.

Яшагинг келади,  
Үлгудай яшагинг келади.  
Борасан. Күрасан. Биласан...  
Биламан:  
Тил бириктиргансан  
Зиндонимдаги ёғий билан...  
Ҳар қалай, кераксан —  
Хусусан,  
Тағылларда. —  
Хурликтің қаноти бўлгани.

Кўлларим!  
Парипайкар,  
паричеҳра кўлларим!  
Нечун талтаясиз,  
Қитиқлаб ўлцирилган марҳумдай?  
Бўғзингизда портламай қолган гранаталар.  
Портламаган гранаталар бўғзида —  
сиз.  
Кўлига илк бор қурол олган аскар боладай  
“Зўрман” деяверасиз муттасил.  
Не қайсарлик,  
не ўжарлик,  
не ўрлик, ахир,

Қор остидан  
Вулқондай отилиб чиққан  
Булбулдай,  
    лоладай,  
Күёшга сакрайсиз,  
Гўзалларнинг шуурини чанглаб.  
Мен амирул-умароман,  
Сиз — қулбаччасиз!  
Бас,  
Ҳар лутфим сизлар учун  
Фармони олий:  
Бир бармоқнинг имоси ҳам  
Рұхсатим ила.

Аён...  
Зиндонбандим тили ила бир тилингизни  
Кесиб ташламай қўя оламанми?

Кўзларим!  
Содиқ фарзандларим!  
Айниқса, сиздан хавотирдаман.  
Таъсирига берилманг ёт мафкуранинг.  
Асосан, Кўлнинг.

Оёқнинг.

Юракнинг.

Кўзларим!  
Сиддиқ-садикларим!  
Сиз орқали кўрдим рангларни.  
Кўрдим...

минус чексизни...

Иккинчи жаҳон урушини...

плюс чексизни.

Танҳо сиз алдамадингиз.

Кўрдим...

океан ортини...

коинотни...

Ўзимни ҳам.

Кулоқлардай чарчамай ишляяпсиз.

Бурун — озодлик йўлида жон берайтган  
Марднинг сўнгти нажот қуши — рамақ.

Кўзларим!

Кўллар томогида портламай қолган

Тарих гранаталарининг

Ҳалқаси сизнинг музофотингизда.

Ишқилиб,

“Музейдаги хавотирли хотиралар”дан

Бошқа ном олмасин тилла ҳалқалар.

Кўзларим!

Бахилсиз:

Пешонаси оқ,

Ичи қорасиз.

Кўролмайсиз,

Дуч келса, мабодо,

Юрати

Йўқ ханжарнинг бўш қинидай  
кимса.

Кўргали кўзингиз йўқ.

Ишонманг уларнинг дабдабасига.

Ёнларидаги гилофда тўппонча йўқ, аминман,  
Баҳслашаман, гилофда  
Сигаретанинг ҳам бўш қутиси бор.

Кўзингиз тўрт бўлиб кутасиз,  
Тунларда ухламай кутасиз  
Тонгни.

Фалаба кунларини.  
Толеларнинг зафар соатларини.  
Сиз  
Бобомнинг эшаги шўра егандай  
Ўз ишингизни суюб бажарасиз.

Юрагим!  
Хавфлисан!  
Ўқланган тўппончадай хавфлисан.  
Ялонточ ханжардай хавфлисан!  
Эртага ёзиладиган шеърдай хавфлисан.  
Бардошнинг энг чукур,  
                                  энг зулмат

Зиндонита сургун қилинган бўлсанг ҳам,  
Тилинг кесиб ташланган бўлса ҳам,  
Ўлимингдан қўрқмай,  
Мардона қўшиқлар куйлайверасан!  
Деворни тақиллатиб,  
Мовий хилқатлар,  
XX аср билан гаплашасан.  
Ўрнатасан тўлқинлар билан  
Шарт алоқангни.

Ҳаёт учун  
Янги қўзголонлар тайёрлайсан,  
Исёнкор руҳинг шафқатсиз.  
Фош этмоқчи эдим,  
Кашф этдим сени.  
Рўшнолик кўрмадинг,  
Тиланчи бўлмадинг.  
Чернишевский ҳайқириб юборди:  
“Нима қилмоқ керак?”  
Сен пухта биласан ишингни.  
Хириллайверасан:  
“Яша, инсон!  
Одамлар, уйғон!”  
Даҳрийсану мағурсан  
Бўронкүшидай.

Итнинг итлиги шундаки,  
Қочсанг қувади,  
Қувсанг қочади.  
Ҳукмларинг дор сингари қескин,  
Ижролари сиртмоқдаги гавдадай.

Танам ичра сабукруҳ сезги,  
Қовоқларим ичра инграйди,  
Ер шарининг суюкларидаи  
Кесиб жойлаштирилган  
Орқа ва олд кўринишли юрак.

Юрак — ҳаёт эрур аслида.  
Мушукларнинг ноласида,  
Товуқларнинг жоласида,

Чигиртканинг фиғонида,  
Сичқонларниң ёлғонида  
Оёқ ости тоғталған ҳаёт.  
Хеч бири яшашни билмайди  
Мендай.

Мен постдаман,  
Ҳаёт учун форпостда.  
Сабоқ бермоқчи эмасман  
Бу борада ҳеч кимга.  
Зоро,  
    ҳамма толибдур.  
Кунинг түлмай  
Ажалинг түлмасин сенинг,  
Эй, эски сомонхонадай  
    танам.

Юрагим!  
Бўғтонлар ёғилди шаънинга,  
Аммо сен оғир бўл.  
Отилиб чиқмагин қинингдан,  
Қафасни синдирган исёнчилардай.  
Хавфисан, —  
Ўқланган туппончадай хавфисан!  
Ялонғоч ханжардай хавфисан!  
Эртага ёзиладиган шеърдай хавфисан!  
Юрак...

1985

## **САҲАР**

Хўрзининг бўғиздан қўйилади тонг,  
Отамнинг кўзидан қўйилади тонг  
Ва бунёд бўлади улкан оқ хирмон,  
Ичида мен пахта териб юраман.

Шаршарадай сачраг тун синиқлари.  
Трактор солдатдай барвақт уйғонар.  
Минутлар тошидан бунёдга келар  
Улкан оқ девор... ном ёзилмаган.

Кимнинг номи ёзиларкин биринчи?

**Кимнинг**

Номига арзийди ё кимнинг номи  
Арзир оқ деворга ўйилмоқликка?

Гуркирар қуёшнинг шамоли яқин...

1986

## **ТОШ**

Хамиртируш бўлиб кўпчийди тоғда.  
Сукунатга соқов бир ургу.  
Ногоҳ вафас олди кўргани чоғда  
Бошида гул кўтарган буғу.

Улкан балиқ тангларидай  
Тоғ тўлғоқ-ла тошлар туғади.  
Қизғалдоқнинг пойида ётган  
Тошдан тоғлар ўсиб чиқади.

1986

## **ШОЛГОМ**

Юлдузларга хаёлин чўэди,  
Кўкда ўрни бўлмаса керак.  
Кўшиқ каби қийналиб ўси,  
Тунда ойдан тушган капалак.

Тонгта сотди тун сирларини  
Бошида ой синган хўроллар.  
Елпугичдай чодирларини  
Тошдай юрак бошида созлар.

1986

## **ЕМГИР**

Чақмоқлар ёзилган ҳошиясига  
Эскича. Осмон — меш ўқдон аслида.  
Камалак тоғларнинг ҳимоясига  
Ёмгирилар отади гул  
сулҳ фаслида.

1986

## **СОАТ**

Қасосларнинг тугунин отдим  
Кўксингизга — гулли ханжарлар.  
Куёш кирган доирангизда  
Занжирланар умид — лашкарлар.

Тегирмоннинг чўмичларисиз,  
Сизга овунч бўридай увлаш.  
Айтанингиз қасос шогириб,  
Токи тўхтаб қолмасин кураш!

1986

## **ОЛМА ДАРАХТ**

Күкарған забардаст зүр вахшний чаңин.  
Чақмоқдев ёдига табиий тобут.  
Қизғалдоқлар ёққин,  
Бўздан масти оқин,  
Тирикларни овут,  
Шаҳидга кўк тут.

Бошинг айланмасин этакларида,  
Атлас кўйлакларга ўралган — халқнинг  
Олма дараҳтидай ўсади гурлаб.  
Куёшнинг бедаёз эртакларида  
Атласда қизлардай бўй етган чогинг  
Мендай тушунарсиз қолмагин нураб -

Олма дарахт,  
Ҳей — сен чақмоқ урган баҳт!

*1986*

\* \* \*

Дараҳтнинг шаҳдланган эгри кўлидан  
Гранатадай отилмоққа шайланган қарға  
Ҳалқаларин кийгизиб букри панжаларига  
Мудрайди юрагин остига қараб,  
Куёшни қарғаб.

*1986*

\* \* \*

Хушхабар сингари тарқалди нонлар,  
Олмалар муғаний қушлардай түп-түп.  
Бозор — қизлар каби хушрүй имконлар...  
Менинг ҳавасим кўп, эҳтиёжим кўп.

Шаҳристон, севгимнинг қадри тонгида  
Бозорларинг сари тез чополмадим.  
Арzon савдоларнинг қиммат сўнгида  
Имкон тополмадим, сўз тополмадим.

Ҳаёт, қудратинга, зеҳнинга тўлсам,  
Кўчамдан юраги мухтоҳ ўтмади.  
Бир қизнинг хуснита харидор бўлсам,  
Муҳаббат сотмади, меҳр сотмади.

Умрим, ғамлар ўтсин, баҳтларим учсин,  
Фақат шеър кўнглимга бермасин озор.  
Мен харидор бўлиб қолайин маҳзун,  
Ёлғонларим бозор, ишончим бозор.

1985

\* \* \*

Мавжлар гуркираган киприкларингда  
Чақмоқли қоядай титраб кетди қалб.  
Некбин нигоҳларим кўприклиридан  
Ўтасан кунчиқар тарафга қараб.

Севгим соҳилидан ўтасан,  
Дилда  
Бир дengiz ўз эркин қилади талаб.  
Сархуш оқшомларим тўкилар йўлга,  
Йўлларга тўкилар чашмим эрталаб.

Фолларимни некка йўйиб толайин,  
Ситоралар умрим пайғомларини  
Сочсалар —  
Кўзимда олиб қолайин  
Кунботарнинг келин - оқшомларини.

Кунлар ўтаверсин, аммо омон қол,  
Йўллардай чувалтан соchlаринг тараб.  
Куёшга таъзимлар қилсин терак, тол,  
Сента таъзим қилай ҳар кун эрталаб.

1985

\* \* \*

Юрагим — кўксимда дараҳтдай — оғир.  
Илдизлари оғриқ бўғзига етди.  
Боди ҳидоядай силтандим охир,  
Арабий имлолар тўкилиб кетди.

1985

\* \* \*

Багрни май ила ювдим-ку,  
Наҳот дөғлар ўчмади буткул?  
Қари яраларим қонамадими?  
Қонимдан ичдими муборак сут, гул?

Тонгларнинг оналик тўлғоқларидан  
Кўксимни тўлдирди бир хуршидсиймо.  
Юракни май ила ювдим-у,  
Унут хотиралар қонади аммо.

Аммо кечтан сулув оғриқларимга  
Күйчи құшчаларим айтди қасида.  
Етим құшиқларнинг лабидан ўпдим,  
Қуёшта шогирдлик тариқатида.

1985

\* \* \*

Ёмғирлар күнтлимни ювганды,  
Соғынчдай чўзилиб  
Жилғалар гул ҳидин қувганды,  
Юлдузлар риштаси кетса узилиб -  
Учрашамиз қуёш, ой каби.

Күшлар сайроғининг туроқларыда  
Туманлар қайғудай йиртилиб кетса,  
Кулгулар туқдан тун ўчоқларыда  
Қийногим пўлати тобланиб битса,  
Жуфтлашган лаблардай топишамиз биз.

Агар шундай бўлса...

1985

\* \* \*

Майсаларга нур берган сўқмоқ,  
Адирлардан дур терган сўқмоқ  
Тўлғониб кетди -  
Кетдинг.

1985

**1985 ЙИЛ 16 ОКТЯБРЬ**

Бир зот кучугини парваришлайди,  
Тарбиялагандай отам гүзани.

Ёмғирда ивиган итига куяр,  
Отам термулгандай қорда пахтага.  
Итингни бошини силайди, упар,  
Отам силагандай пахта деб қорни.

1985

### **КУЗ**

Шу дарахтни ўқиб тутаттач,  
Хира тортди күёшнинг кўзи.  
Яшил китоб эски, сарғайтан  
Варақларин тўзғитар ўзи.

1985

### **СИРТЛОН ҲАҚИДА ДОСТОН**

Дўстларимни қойил қолдириб,  
Тикканларин юта бошладим.  
Қаранглар деб сакраб севинчдан,  
Ошигимни баланд ташладим.

Олчи туриб берган ошигим,  
Кўкрагини керган ошигим,  
Сени Сиртлон ўғирлаб қочди,  
Етим қолди менинг қўшигим.

Ошигимда саодат кўрдим,  
Бахтларимнинг сочини ўрдим.  
Ғажиб кетди севгимни бир ит,  
Тишларининг синигин кўрдим.

Зўр кўчкорнинг соққаси эди,  
Куралайниң тогаси эди.  
Кулогини илиб шохига,  
Кўзларини юмолмай кетди.

Кўчкор кетди, бир пўстин қолди,  
Соққа кетди, бир ёлқин қолди.  
Ўғирлатдинг баҳтингни деган  
Юрагимда бир талқин қолди.

Бўлган здинг қаердан пайдо,  
Ошигимга ё сен-да шайдо.  
Толеимда суякни кўрдинг,  
Сиртлон, сендан мен бўлдим жудо.

Бу тонг қилдим такрор тиловат,  
Олисларда бола муҳаббат.  
Бахтларимни қайтариб бер, ё,  
Сиртлон, мени унутма фақат.

1985

\* \* \*

Сув ўтидай отим ёлида  
Балиқлардай ўйнаб юлдузлар  
Учмоқдаман тонг хаёлида,  
Дунё ҳайрон, вайрон кундузлар.

Бир манзилда сув ичдим қониб,  
Отимни ҳам силаб сугордим.  
Сулув кўрдим, турарди ёниб  
Паст соҳилда. Ёнига бордим.

Чидаб бўлмас чиройларига!  
Тулпоримни унудим қачон?  
Қиз-чи, кетди нафис тўлқиндай,  
Қолдим дунё каби лол, вайрон.

1985

### ЧИРОҚЛАР. БАҲОР

Оқшом туғларини ёқа бошлайди —  
Шиша совут кийиб порлаб чироқлар  
Жангта ташландилар. Қонлар тўкилди,  
Пахтадай оқ чакмон кийдилар боғлар.

Нафасин ростлаш-чун пинакка кетди,  
Кўзларини юмди. Йўлларга сайқал.  
Тунги шаҳидларнинг хотирасига,  
Покиза қонларга оловдан ҳайкал.

1985

\*\*\*

Тунда йўлга тупди Ваҳима,  
Кимга отса экан тошини..  
Қоронгуда урилиб толга  
Фурра қилиб олди бошини.

1991

\*\*\*

Келган келди. Кетганлар кетди.  
Ютган ютди. Ютқазган ҳам кўп.  
Хайриятки, сизга тегмади  
Юрагимни теплиб ўткан ўқ.

Хаётимни гаровга қўйиб,  
Сизни ютиб олдим рақибдан,  
Ҳайиқмасдан яшайсиз энди,  
Кутиласиз мангу таъқибдан.

Кетинг, кетинг бу давралардан,  
Қарталарга бўмангиз эрмак.  
Сарғайтириб бармогингизни  
Чекмоқ, сизга, айтинг, не керак?

Ҳеч бўлмайсиз энди қўлма-қўл,  
Ароқ ҳиди билан ўшишмас.  
Синдирибон тунчироқларни,  
Еруғ китоб каби ўкишмас...

Ўз-ўзимни яна алдайман,  
Дилда яна ёлғончи жаранг.  
Мен ҳаммани алдаб яшайман,  
Сиз мени алдамант! Алдамант!

1994

\* \* \*

Чироғингиз нури бунча кам,  
Сўлаётган гулга ўхшар у.  
Пусиб қадам ташлайди юрак,  
Тошибақадек тақقا тўхтар у.

Наҳот тўхтар? Юрмайди, қайсар.  
Қадамларин унинг боғламант.  
Мени қора десалар агар,  
Ҳайҳот, сиз оқламант, оқламант.

Қанча синган сўзларингиз бор,  
Менга ташланг — чукур ўраман.  
Биласиз, кўп севаман сизни  
Ва ўзимни ёмон кўраман.

Дейсиз: “Сизни кўрмасам — кургим,  
Кўрсам — кўргим келмайди сира”.  
Ўзиязизни яхши кўрасиз!  
Менинг эса кўзларим хира.

Сўйдим. Куйдим. Бўлди. Бас. Кетинг.  
Кетманг. Жоним, севгилим! Тўхтант!  
Сизга милтиқ бераман, мени  
Отмоқ учун ўзингиз ўқланг.

Тирик ташлаб кетманг, севгилим,  
Мени отиб ўлдириб кетинг.  
Етмасимдан ҳали тобутга,  
Менсиз гўзал баҳтларга етинг.

Мен ўлтаниман. Сизни ўпгандা  
Юрагимга теккан эди ўқ.  
Ҳаётимда хатолар бордир,  
Ҳаётимда энди сиз ҳеч йўқ.

1994

\* \* \*

Қўлларимдан тутманг, кетаман,  
Кўниқканман, кетмоқ оғирмас.  
Ҳар қадамда хиёнат кўрган  
Қалб энди оғримас, оғримас.

Кимки вафо кутаркан, түрдир,  
Нечун сиздан садоқат күттим.  
Бириңчи бор севаётгандай  
Унұттим, дүнёни унұттим.

Неча хил ранг бўлса борлиқда  
Кўрдим шунча бевафолик ҳам.  
Ёрлар, дўстлар арzon соттилар,  
Содиқ қолди ҳамиша онам.

Муҳиблардан хоинлик қолар,  
Хиёнатлар — маҳбубалардан.  
Мен кетаман, кўрмайсиз қараб  
Умрингизнинг қуббаларидан.

Ростин айтсам, қизиги йўқ ҳеч,  
На тириклик, на сиз, на шеърнинг.  
Копки ўзга ўпган қизнимас,  
Кучиб ётсам тупроқни, ерни.

Мен кетаман. Ой, йиллар ўтиб,  
Кўнглингизда қолса из, асар,  
Ишонинг, гар келтирса жарчи,  
Салим ўлди, деган хушхабар.

Мен кетаман, уйимга эмас,  
Кир-чир гадоларнинг сафига.  
Замин менинг ятона уйим,  
Тиланчилар яқин қалбимга.

Суяңганча қўлтиқтаёқда  
Қаторида тиланчиларнинг  
Кафтимнимас, дилни тутганча  
Айтаман сиз суйган ўланни.

Майли, менга тошлар отсинлар,  
Олифталар тупуриб ўтсин.  
Уст-бошимда жандалар кўриб,  
Бир шоирни жаҳон унутсин.

Унутсинлар. Қарамасинлар...  
Бир бор қараб ўгинг сиз фақат.  
Жаранылатиб ташланг косамта  
Сариқ чақачалик муҳаббат...

Кўлларимдан тутманг, кетаман,  
Кўникканман, кетмоқ оғирмас.  
Бу дунёдан буткул совиган  
Қалб энди оғримас, оғримас.

1994

\* \* \*

Иш тутайди. Ишдан олдинроқ  
Тугар чора, йўл, тадбирларим.  
Үйингизга олиб боради  
Софингчларим, гул сабрларим.

Эшигингиз тирқишиларидан  
Чироқ нури тушар йўлакка,  
Гўё тиниқ, гўзал соянгиз  
Тушиб турган каби юракка.

Сиз куласиз. Сочилар жаранг  
Тошга тегиб сингандай чинни.  
Сиз куласиз рақибим билан,  
Мен йиғлайман мисоли жинни.

Ичкарида — бахтиёр давра.  
Ичкарида — бахтли душманим.  
Деворга (ўқ тегиб) суюндиним,  
Рақиб қўлингиздан ушлади.

Мағлуб бўлган лашкардай ортга  
Чекинаман сўзсиз, товушсиз.  
Сув ўтади пайгоҳимгача...  
Ва қайтаман уйга ковушсиз.

Эртасига, кечаги вақтда  
Ишдан олдин тутайди сабрим,  
Үйингизни излаб бораман,  
Менга бир пул ўзимнинг қадрим.

Эшигингиз тирқишиларидан  
Чироқ нури тушар йўлакка,  
Олов бўлиб сояңгиз гўё  
Ўрлайнерар юпун юракка.

Шиша мисол топ-тоза полда  
Рақибнинг лой этиги туарар.  
Севасиз деб урмайман уни,  
Юрак менинг ўзимни урагар.

Буюк ҳарбда енгилдим яна,  
Боз бешарпа, бесўз чекиндим.  
Бу дунёда нечта кўз бўлса,  
Барчасидан шунча бекиндим.

Сиз йигтайсиз. Йиғингиз тошмас,  
Дилга тегиб чиннидек синар.  
Қайтмагайман. Минг бор севсам-да,  
Керак эмас менга хоинлар.

1994

\* \* \*

Бу ерга келмоқчи эмасдим сира,  
Алдаб мени олиб келди маккор йўл.  
Кўзларимни тешиб қушим — хотира  
Кетти. Учиб кетти қанотлари ҳўл.

Бу йўлга кирмоқлик хаёлин бу гал  
Мен ўйлаб топмадим. Рад эттим. Рост гаш.  
Кувиб ер шарини тутдим маралдай,  
Бошимда ин қурган қушларга ўхшаб.

Янаям ростроғин айтсам агарда  
Бошданоқ бу йўлга кирмоқчимастим.  
Сизда эмас, ахир, шу болу пардан,  
Ўзимнинг қалбимдан бор эди қастим.

Рости, ярим йўлдан қайтмоқчи эдим,  
Шу одамлар мени шу йўлда қурган.  
Тавба деб, фалакка лаънатлар дедим,  
Дунёнинг оёғин осмондан қурган.

Бу йўлга кирмоқчи эмастим сира,  
Алдаб мени олиб кетти маккор йўл.  
Кўзларимни тешиб қушим — хотира  
Кетти. Учиб кетти қанотлари ҳўл.

1994

## ТЎХТАНГ

Тўхтанг, исмингизни билмайман, лекин,  
Биламан, сиз жуда чиройли, гўзал.  
Мен томон қайрилиб қарайсиз секин,  
Шу лаҳза самода қуёш узилар.

Булутлар қоплаган гүмбаз остида  
Балки энг бахтиёр толибадирсиз.  
Сингиб бораяпсиз ҳаётга аста,  
Эҳтимол, кимларнинг қалбидадирсиз.

Балки шошиласиз юмушлар сари,  
Дунё — Дақёнусдан қолган корхона.  
Оли ол, оқи оқ шаҳар капитари,  
Кимга мatalдирсиз, кимга афсона.

Ҳечам етолмайман сизга талпиниб,  
Балки ғунча, балки бир юлдуздирсиз.  
Исмингиз қоронғу менга, сиз балки  
Раъносиз,  
Барносиж,  
Дилафрўздири...

Тўхтанг...

1995

## ЭҲТИМОЛ

Эҳтимол, бир умр қайтмайди бу дил,  
Сизга ҳақиқатни айтмайди бу дил.

Эҳтимол, шу йўлдан кетаверасиз,  
Ойдин бекатларга етаверасиз.

Эҳтимол, қўйвормас мени бу сўқмоқ,  
Хаяжон шаклида чувалган сўроқ.

Эҳтимол, осмонга қуёш ҳам чиқмас,  
Менинг интилганим ёрут ишқ эмас.

Эҳтимол, эртага узилгай арқон  
Ва наъра тортади занжирбанд арслон.

Эҳтимол, дунёга саодат тиляб  
Турибсиз банди шер бошини силаб.

Эҳтимол, эртага йиртилар парда,  
Тошлар шира боғлар мисли парварда.

Эҳтимол, эртага қўзгалар дала,  
Ҳар битта гўзада ўнтадан бола.

Эҳтимол...

1995

### **ЧАРХЛАЛАК**

Осмон жуда тор экан,  
Замин жуда кичкина.  
Ҳар кўчада дор экан,  
Умр ўтти тинчгина.

Ҳар кўчада дор экан,  
Ўтти умр тинчгина.  
Осмон жуда тор экан,  
Замин эса — кичкина.

1994

\* \* \*

Бунча шошиб сайрайди қулшлар,  
Бир-бирига гал бермай сайрап.  
Давом этар ҳамон сўқишилар,  
Қулшлар чумдук, тирногин қайрап.

Бунча ожиз, бунча нотавон,  
Шунга ақллари етмайди:  
Күлларидан иш келмайди-ю,  
Богимизни ташлаб кетмайди.

1994

\* \* \*

Сиз билан ҳамсұхбат бўлмадим ҳаргиз,  
Яхши кўринмадим шарҳи роз айта.  
Фақат узоқлардан боқдим, пари қиз,  
Билмайман, уйингиз, кўчангиз қайда.

Қайдан келаяпсиз, қайта борурсиз,  
Кимсиз, кимнинг қизи — бари қоронгу.  
Сиз кўждан эл аро ёғилган нурсиз,  
Сиз зулмат муҳитни ёриттан ёғду.

Тақдир сўқмоғида ҳар куни сизга  
Йўлдош бўламану дилдош бўлолмам.  
Кўлингиз, кўзингиз ва изингизга  
Ҳамроҳ бўламану бўлолмам ҳамдам.

Эшитмадим ҳатто овозингизни,  
Менда тўхтамайди эътиборингиз.  
Қалам таҳрир қиласар пардозингизни,  
Дилларга кам-кўстсиз етиб боринг сиз.

1995

\* \* \*

Ҳаммаси бир дамда тугади. Тамом.  
Бир дамда денгизга чўкмоқда кема.  
Қуёшни жўнатдим, ана, сен томон,  
У ҳам бу ёқларга айланиб келмас.

Кўрдим кўзларимга тўлганда баҳр,  
Сен ҳам кўр — кажрафтор нечоғ мунааввар.  
Энг ёмон дугонанг — энг ёруг сипеҳр,  
Энг оддий сифотинг — энг ноёб гуҳар.

Бир дақиқа ўтди. Баҳру бар абас,  
Ҳаётимни бузди момо Гулдирак.  
Оёғинг остида тош синигимас,  
Тошдек майда-майда сочилган юрак.

Ҳаммаси тугади бир дақиқада,  
Зилзилалар келди қўл ушлаб саф-саф.  
Эй душмани — нукта, эй оғзи — нукта,  
Энг ғариб сифотинг — энг нодир садаф.

Топгандим. Йўқотдим ўарин бир зумда,  
Бўм-бўш уй дунёга ваҳима солди.  
Деворда “Бахт берсин!” деган ёзув ва  
Михларда илинган кийиминг қолди.

1995

\* \* \*

Мендан аразлади. Терс ўтирилди.  
Сўрасам, тебранар. Бермайди жавоб.  
У гўё бир даста муаттар гулдир,  
Ўқилиши керак бўлган бир китоб.

Мен унинг кўнглини оғритдим, бироқ  
Мени кўнглимнинг ҳам оғриғи ёмон.  
Қай бир варофини очмайин — титроқ,  
Қай бир саҳифасин ўқимай — гумон.

Қай битта гулини тутмай — эгилар,  
Тирилгум - қай битта гулин ҳидласам.  
Ҳар битта баргидан титроқ тўкилар,  
Ҳар бир кипригидан сизиб турар нам.

Битта варақ очсам — бир гул очилгай,  
Ўқийман — бу қисса узундан-узун.  
Гулидан руҳимга хушбўй сочилгай,  
Сўзимдан дунёга сачрагай учқун.

1995

\* \* \*

Кўнглимнинг ёнидан оқмоқда ҳаёт,  
Севгининг ёнида титрайди дилим.  
Умримни сиз учун қилмадим бунёд,  
Хатто “ёқасиз” деб айтмадим, гулим.

Бошқа юрак эмас, чигал тутун бу,  
Сизни яширганман, уни ечмайман.  
“Яхши кўраман”, деб айтмайман, лекин  
Ҳеч қачон, ҳеч қачон сиздан кечмайман.

Кошингиз қаро йўл, оқ бармоқларим  
Ҳеч қачон бу йўлдан юриб ўтолмас.  
Тинчу титроқларим атрофингизда,  
Сизни қуршаганлар гул ё қуш эмас.

Сизга қизиги йўқ. Қизиқ гаплардан  
Саодат сачратиб кула бошлийсиз.  
Менинг шўримтами, ёнгинангизда  
Кимдир севишини билмай яшайсиз.

1995

\* \* \*

Кутдим —  
Оёгим тагидан кетди таянчим.

Кутдим —  
Бошимдан кетди соябоним.

Кутдим —  
Олов излаб қабогимдан тушиб кетди икки шам.

Кутдим —  
Күлларингни излаб кетди күлларим.

Кутдим —  
Изларингни излаб кетди йўлларим.

Кутдим —  
Юрагим ичига беркиниб.

1995

\* \* \*

Бир нима айланар атрофимдан —  
Кўринмайди.

Бир нима айланар атрофимдан —  
Эшитилмайди.

Бир нима айланар атрофимдан —  
Яқинда.

Бир нима айланар атрофимдан —  
Узоқда.

Бир нима айланар атрофимдан...

Бир нима айланар...

Бир нима...

Бир...

Б-б...

1995

\* \* \*

Одамлар ухласин, күшлар тин олсин,  
Сувлар ҳам уйқута кетсин тоңтacha.  
Тошлар ҳозиргидек товушсиз қолсин,  
Чечаклар чекинсин жондан жонгача.

Дунёнинг тубига етган қудуқлар  
Яна ҳам чуқурроқ кирсин тупроқقا.  
Ҳозир ҳамма-ҳамма тезроқ беркинсин,  
Мен чиқиб боряпман...

... сўроқقا...

1995

\* \* \*

Тақдирни қарғама, ўксинма, овун,  
Жилгадай йўл топиб умринг аро ман,  
Хабар берсанг

кундуз,

бўлсин ва ё тун

Сенинг ҳимоянгта етиб бораман.

1995

\* \* \*

## I

Узоқда, узоқда, узоқда  
 Мен кутган кун, мен кутган одам.  
 Үндан бошқаларнинг кераги йўқ ҳеч,  
 Үндан бошқа ҳеч ким беролмас ёрдам.

Она деб атардим уни бир пайтлар,  
 Ҳозир-чи, бегона чамаси.  
 У мени болам дер,  
 Шоир дейдилар  
 Үндан бошқаларнинг ҳаммаси.

## 2

Мен кутган кун  
 Ва қайлардадир  
 Мени илҳақ кутаётган кун,  
 Бир кун сўраб олай  
 Ва мен ҳам  
 Бир кун яшай ўз онам учун.

1995

## СЕН ДЕДИНГ

### I

Сен дединг: Кўзингдан нечун ёш келур?  
 — Ҳар бир илигимда минг бир тош келур.

Сен дединг: Кўлингдан қанча иш келур?  
 — Ҳар бир бўғинимда минг ташвиш келур.

Сен дединг: Буриингдан нечун қон келур?  
— Атрофга қарасам — лабга жон келур.

Сен дединг: Ҳайратинг нечун жим келур?  
— Гумроҳлар ортидан, ахир, ким келур.

Сен дединг: Ёнингда ким лак-лак келур?  
— Кўксимда алданган бир юрак келур..

## 2

Сен дединг: Айт, сенинг севганинг қанча?  
— Менинг севганларим — кўзинг холича.

Сен дединг: Айт, сенинг севганинг борми?  
— Севиб ардоқлайман гўзал озорни.

Сен дединг: Айтгил, энг суйган китобинг?  
— Энг севган китобим — суйган азобим.

Сен дединг: Ўша шир, ўша эл қани?  
— Улар излаб кетди асл ватани.

1996

\* \* \*

Ҳар куни кўксимда бир ҳавас ўсади,  
Ҳар соат вақт каби ўсмади кўнглим.  
Ҳар куни йўлимни битта қиз тўсади,  
Ҳар лаҳза йўлидан адашди йўлим.

Бир чарҳда юурди ҳар кун тегирмон,  
Ҳар куни бир чарҳда айланди фалак.  
Мен сенга интилдим. Йўл тўсади Ҳижрон,  
Топгин деб ҳар куни йиғлайди юрак.

Кўз юмсам кўзимга кирасан кундуз,  
Ухласам тушимга кирасан кеча.  
Ўзга осмонларда порлаган юлдуз,  
Сенга интиламан умрим борича.

1996

### **ТОНГ ОЛДИ**

Улкан гулхан сокин ўчаётгандай  
Туннинг товуплари тинмоқда.  
Махфий бир жараён кечастгандай  
Чироқнинг нурлари синмоқда.

Тугаётган каби даҳонинг умри  
Кўринди пилитнинг адоги.  
Фонуснинг ишини бажараётган  
Қайси бир доҳийнинг бош чаноги.

Яна ҳаммаёқда зулумот ҳоким,  
Фонус ёққандим-ку соғиниб офтоб.  
Наҳотки, күёшнинг чиқиши учун  
Зарур бўлса чиндан инқилоб?!

1996

\* \* \*

Дунё деворлари, дунё уйлари,  
Дунё кўчалари,  
Дунё йўллари,  
Дунёнинг жамики машиналари,  
Ишхоналари,  
Дераза, эшиклар, муюлишлари,

Гуллари, гуллари, гуллари,  
Кема, қайиқлари, самолётлари,  
Тандир, ўчоқлари, сигир, құйлари,  
Кечаси, күндузи, қуёши, ойи,  
Тоғлари, айниқса боғлари,  
Даштлари, чүллари ва саҳролари,  
Юлдузлари, соя, нурлари,  
Шаҳарлари, пойтахтлари,  
Қишлоқлари, дорилфунунлари,  
Анқорлари, анқор бўйлари,  
Итлари, қушлари, хаслари,  
Дарё, денизлари, океанлари —  
Барчаси, бари

Сенинг дийдорингнинг ошуфталари!

Сенинг...

1996

\* \* \*

*З...га*

*Нечун эшик чартдим бемаҳал?!*  
Дунёсиз қолдирди дунёда  
Тақдиримга сигмаган ўшал,  
Пешонамга бўлган зиёда.

1983

\* \* \*

*Д... га*

Бир тошқин исмга айланди тунлар,  
Қуёшли кунларда қурили дармон.  
Руҳли ҳаётимни, о, чулғар бўлди  
Энди соchlаридек қоп-қора армон.

Не-не түйгүларға талош бу юрак  
Бир малак чехранинг шайдоси бўлди.  
Оlamча кўзлардан омон қолган хусн  
Девона журъатнинг Лайлоси бўлди.

Руҳимнинг гуллаган чечакларига  
Кўрк бўлиб қўшилди бир парисиймо.  
Қалбимни титаман, топаман ундан  
Бир хушбўй исмга қорилган дунё.

1982

\* \* \*

Томчи-томчи эрий бошлади  
Кўкрагини шарт очган осмон.  
Кўзларимга нақ нақшланди  
Олов мисра — лаҳзали достон.

Шамолларда яшилилк иси,  
Тупроқларнинг ёллари зангор.  
Хаёлларда хаёлий тузи  
Бир севгининг бир баҳти ангор.

Юлдузларнинг нуқра кўзидан  
Куйиларкан ҳали ул оҳанг,  
Юваб чиқар кечиб ўзидан  
Осмон  
Ерни босмасин деб занг.

1982

## ЧҮЛ ЙҮЛИ

Баҳайбат очилган оғизда  
Күлтүм сувдай кетиб борасан.

Олиб чиқар қуёш ёнига  
Бобонг белбогидай дабдаласи чиқкан йўл.

1983

## ҚАТРАЛАР

Дараҳт отилиб чиқаётган эди, ер ушлаб қолди:  
— Шошма, осмонни ёриб юборасан.

1983

\* \* \*

Дараҳтлар баҳорни шундай узоқдан  
танийдиларки, бошқа ҳеч бир нарсанинг  
кўзи бошқа ҳеч бир нарсани бунчалик  
узоқдан илғаб ололмайди.

1983

\* \* \*

Ўзимга ҳайрон қоламан — гулларни,  
дараҳтларни, табиятни ҳам —  
ўзим билган қолишга  
солмоқти бўламан-а.

1983

\* \* \*

Деворлар — фурсат тасмаси.  
Унда шу йўллардан ўтган  
бутун ҳаётнинг кўзга кўринмас  
сурати акс этган. Бу тасма  
айланмайди. Уни кўргингиз  
келса, ўзингиз айланинг-да.

1983

\* \* \*

Баҳор табиат боролмайдиган  
узоқдаги бир бозордан  
халтасини тўлдириб, ҳансираб  
келарди. Йўлига болалардай  
чопиб чиқсан қўли очик дарахтларга  
халтасидаги бор яшилликни  
улашиб юборди.

1983

\* \* \*

Фазалкентнинг ғазал тўла боғлари  
Узун кипритингни қўймасин боғлаб.  
Мұҳаббат ёшидан ўтармиз балки  
Юракда илк севги қабрин ардоқлаб.

Буюк ошиқларнинг қисматига боқ,  
Дунёю тақдирда нима бор бекам.  
Фақат дардларингни овунтири, жоним,  
Фақат ҳасрат билан юпангил, эркам.

Мана, бошимизда баҳор кезар шаън,  
Уни титратмасин қалбнинг ноласи.  
Феруза, кунгилнинг ёшларини арт,  
Биз, ахир, севгининг ўтай боласи.

1983

\* \* \*

### *Дўстим Жабборга*

Жулдур кеча, мункайтан девор,  
Олтин совет кийтан дараҳтлар.  
Терисита сифмаган анор,  
Ён кўчада излар тарақлар.

Чирогимни қўрқув синдириган,  
Милтиқ тирар кифтимта биров  
Ва хонамнинг бир чеккасида  
Дўстим каби ёнмоқда олов.

1989

### **ҚОҚИГУЛ**

#### *Нодирага*

Ис-сиқ кулча — тилло саватли,  
Хипча белим, наврас қоқигул.  
Кўзларимда унган ҳайратни  
Олгин киприкларинг билан юл.

Кўлларимдан тут - томирларим  
Ҳароратдан ёрилса - кўнай.  
Момоқаймоқ - тўзғиб сирларим,  
Лабларинга қуёшдай қўнай.

Бошингдаги тожинг муборак,  
Сочларинта қўлим етсайди!  
Эламагин — эй олтин элак!  
Соянг күшдай руҳимда дайдир.

Эй қуёшнинг қизи, тилингни  
Тилларимда этолсайдим шарҳ,  
Юрагимдай, Ер қозигига  
Занжирланган эй осмоний шар!

Шаҳарликсан, лекин бегона  
Мавхум ранглар гуж манзарада.  
Опангнинг ҳам сўзига кирмай  
Учрашайлик холи(й) дарада.

Теваракда, эй фаромуш ой,  
Чалғисини қайрайди қайроқ.  
Рўзгоримга киргин, ўз гулим,  
Эй чиройи дунёдан бойроқ!

1989

## МОМОМНИНГ ЭЧКИСИ

Ситир сутин сўргичдан  
Эмиб ўсан бу эчки —  
Момомнинг бир фарзанди,  
Чорлайман “чиғи-чиғи”.

Унутсам-у, ўт бермасам  
Ва очлик бўлса содир  
Қорин тўйдирмоқ учун  
Эчки ҳам бўлар ботир.

Момом дунёда битта,  
Бу эчки ҳам биттадир.  
Бобомнинг уйи катта,  
Мерос ери каттадир.

Темиртуёқ олайиб  
Кент ҳовлида туғади.  
Момом қўшиқлар айтиб  
Шариллатиб соғади.

Ўз тилида она эчки  
Тўрт улоқ қулогига  
Пичирларкан туйдиради  
Сутининг қаймогига.

**Э ч к и:**  
Бир шохида ўт келтирас,  
Бир шохида сув келтирас,  
Елинида сут келтирас,  
Қорнида — ука, синтил.

**М о м о м:**  
Ўчоқ тўла олов ёқиб,  
Бўриларни қурқитиб,  
Қибланинг қулогига  
Тиз чўкиб шивирлайди:  
“Кўп хосиятли бу йил”.

**М е и:**  
Юмиб ётмай барибир  
Оғзим очилиб қолар.  
Сичқонлар тишларимни  
Билдирмай еб кетади.

Тишларимда сичқонни  
Дандонининг излари,  
Тиқишиб томогимдан  
Falat сичқон ўтади.

Жўшқин сутнинг исини  
Олади эчкиэмар.  
Тун билан қадам-қадам  
Кирдан қўтонга энар.

Эчкининг она ҳони  
Ифлосланади шу шом.  
Бобомният Бобо Ери —  
Ховли бўлади ҳаром.

Тушимда рўза тутиб  
Эчки таом емади.  
Момомният эмчагини  
Калтакесак эмади.

Чирсиллаб синаверар  
Ўйиб олган тиллари.  
Улоқларга атала  
Гутар момом қўллари.

Оёғининг шишидан  
Тукларини тўқди-ей.  
Йиглаб-йиглаб она эчки  
Момомни қарғади-ей.

Шохларини чархладим,  
Уздим қозиқ — ипини.  
Кўзин очиб ухлар эчки  
Энди ойни ёпиниб.

1988

\* \* \*

Ким учун баландман,  
Ким учун пастман,  
Ким учун орзуман,  
Ким мента орзу.

Дунё рангларини  
Үлчайди қароғ:  
Иккита күздоним  
Битта тарозу.

Қорачиқтарым — посанги тощир,  
Унга дахл қилолмас душманий ҳеч қўл.

Қинларда қилич эмас, -  
Балиқ мизғиётган кўл...

1988

\* \* \*

Қуёш тутилди дод-эй,  
Борми бирор имдод-эй?  
Катта кучада кимлар  
Ялангоёқ, ким шод-эй?

Шундоқ купла-кундузи,  
Ҳамманинг кўз ўнгида  
Қуёшга кўз олайтирган,  
Уни ўғирлаган ким?

Ё қуёшнинг ўзими  
Тутилди бирор тўрга?  
Етар энди — турмант жим,  
Йўқса тиқарлар гўрга.

Қозонларни тақирилатын,  
Капирлар синиб кетсин.  
Қишлоқнинг арзи-доди  
Катта пойтахтга етсии.

Халқын йўлдан урсалар гар,  
Подшоҳ қарғишига қолса,  
Итлик қилса у бир йўла,  
Ҳар минг йилда шундоқ бўлар,  
Ҳар юз йилда зилзила.

Тандирларга олов ёқар  
Бошқоронғу аёллар.  
Улар пиширган нонни  
Сувурмагай шамоллар.

Боболарнинг юзига  
Қора куя сурт, куёв.  
Набиралар юрагида  
Чилчироқ ёқинг дарров.

Қизингни зўғ йигитга бер,  
Кўп ўғил туссин, хола.  
Қуёшни озод қиласи  
Бу кун туғилган бола.

Дилларга ҳам ўлар ёқинг,  
Ўчоқقا кўйинг қалов.  
Бизни бу хил зулмдан  
Кутқазар фақат олов.

Қозонлар тешилса ҳам,  
Жамалак эшилса ҳам,  
Шовқин-сурон күтариңг,  
Бизга қарасин олам.

Пахтазорниңт оқлиги  
Түнни ёритолмайди.  
Күөш тутылған. Дардни  
Мәжнат аритолмайди.

Шундай талотүпда ҳам  
Хотиржам ухласа ким,  
Юрагига ханжар санчинг,  
Қоңлари оқсин тим-тим!

Некбинлар фол очсалар,  
Минг йил бўлибди ўзи,  
Юз йил бўлибди ўзи.  
Тупроқларда эриб оқсин  
Одамларниңт кўр кўзи.

Юз йил ўтибди ўзи,  
Демак ҳали олдинда  
Яна бир зилзила бор.  
Хоинларга алоҳида  
Юлдузлар нуридан ип  
Эшиб тўқигаймиз дор.

Қамишлай белни боғлаб,  
Кўчага чиқсин ҳамма.  
Күёш деб бош кўтариңг,  
Тугади энди қамал!

Еңғирларда оқиб кетди түлқин-түлқин осмон.  
Юлдузлар хүл бўлиб, ивиб қолди  
қисқичбақалардай.  
Лабларимдан ясаб най  
Чалавердим пайдар-пай.

1988

Мұҳабbat күзаси зардобга тўла,  
Симириб қўярга аждарҳо йўқ-ку.  
Сопол зарф томоги гирдобга йўл-а,  
Тубида зантлаган тош эмас, ўқ-ку.

Заҳар ўқларни кимларнинг бармоқлари  
отдилар,  
Кимларнинг кўзи отди, кимларнинг отди тили.  
Ҳажрларнинг жарлари тилемни йўқотдилар,  
Кўнгил бердим. Кўр бўлдим —  
Айни Аждарҳо йили.

Юрагимга тош урай,  
Синигин бир-бир терай.  
Ҳеч ким мени севмаса,  
Кўнглимни гулга берай.

О, Аждарҳо йили, кийиб ечарсан  
Уч юз олтмиш бешта оқ, қора кўйлак.  
Сомон йўлларида ойдай кечарсан,  
Топпингта урилиб синади юрак.

Бу оғир йўлларда йиқилдим, турдим,  
Лўли таёғидай чарчамадимми?  
Фироқнинг домида қалбимни кўрдим,  
Умримни беҳуда харжламадимми?

Севгими кўксимдан бош олиб кетди,  
Ортида кўзимдан ёш олиб кетди.  
Руҳимда аламлар оқиб кетдилар,  
Қолган юмлар эса мени тош этди.

1988

\* \* \*

Бошиңгни тошларга ургин дедилар,  
Бошимни тошларга урдим.  
Тошлар синди-ку.

Бошиңгни тоғларга ургин дедилар,  
Бошимни тоғларга урдим.  
Тоғ ҳам майдаланди-ку.

Энди мен бошимни қаерга урай?

1988

\* \* \*

Бутадилар боғдаги паст дарахтларни,  
Меваларин умум бўлиб едилар.  
Яққол кўриниб турса баландлари  
Бу интернационализм бўлади дедилар.

Паст дарахтларнинг томирига ёпишиб,  
Қонларини суваверди зулуклар.  
Шунда пастларнинг дарахтбошилари  
“Интернационализм учун  
жонимизни ҳам аямаймиз”,  
дедилар.

Паст дарахтлар соясида қолиб кетди  
Баланд-баланд-баланд-баланд дарахтларнинг.  
Пастлар баландларнинг ошқозонида  
Таъмини туйдилар интернационализмнинг.

Дарахтларнинг юрак ўрасида интернационализм  
деган шиор ўсар.  
Интернационализмнинг дили ҳам, тили ҳам битта.  
Миллатчи деб шубҳаланишади,  
Нега тилимни бутадинг, деса.

Паст дарахтларни яна пастроқ қилиш керак,  
Баланд дарахтлар янада баланроқ кўриниши  
учун.  
“Ўртоқлар, бош кутармай ишлайверайлик,  
Ҳаммамиз бир боғ, битта дарахтмиз бутун.

Тоғларни, ўрмонни, насл-насабни  
Ёлидан чиқаринг калтанинг...”  
Мен боғоннинг қўлида кўрдим  
Интернационализм деган қайчини ва  
Интернационализм деган болгани.

Паст дарахтлар юксакларни кўролмайди,  
Гар оёғи синган бўлса туролмайди.  
Қайчи билан болгани курганида  
Ҳатто нега кесасан, деб сўролмайди.

Тўнкага айлантирилиб буталган дарахт  
Байроғига дўнар “одил” тузумнинг.  
Унтишни бошладилар чопилган дарахтлар,  
Унудилар ҳатто интернационализмни!

Олабўжи, Шайтон бўлиб кўрқитади  
Ҳаммани бир “...изм...” деган авахта.  
Болтага қарши ўзаро интернационализм қилиб  
Темир бўлиб ўсмоқда паст дарахтлар...

1987

## КЎЗИ ОЖИЗНИНГ ШЕЪРИ

Кўзларим дунёning дарвозасидир —  
Хеч қачон очмайман. Кўйибман қулфлаб.

Кўрмабман — калитни ўғирлабди сариқ  
тулкилар.  
Зантлаган қулфни очолмайман ўзим ҳам  
Ҳатто куф-суфлаб.

Дарвоза ортида менинг халқим бор,  
Ташқарида — сизнинг халқинтиз.  
Табақалар сингудай тақиллайди икки томондан,  
Занг босган қулфларни ёқинтиз!

Агар дарвозани синдирсалар бир куни  
Халқлар қўшиларми бир-бирига тинч?  
Ё уруш бўладими? Конлар тўкиладими  
Менинг ҳатто кўр кўзларимдан?

Күзларим дунёнинг дарвозасидир,  
Икки халқ уради икки томондан.  
Занлаган қулфларни синдириласин деб  
Мен имдод кутаман осмондан.

Күзларим дунёнинг дарвозасидир,  
Биламан чегара синади бир кун.  
Ким кимга тўкилган бегуноҳ  
Қонлар учун тўлар экан шунда хун?

Тоғдай қовоғимга тошлар тиқилар,  
Күзларим йиртилар латтадай.  
Шунда тўкилади халқлар  
Бир-бираининг қучогига албатта.

Худо қаҳр қилиб  
Мўмин халқимни  
Қафасласа менинг кўр кўзимга зўр,  
Занг босган бу қулфни синдиromoқ учун,  
Киприклар занжирин узмоқлик учун  
Камида яна бир инқилоб зарур.

1987

\* \* \*

Кўлимга бир шиша тутқаздилар:  
Кўтариб юр доим бошингдан баланд.  
Оёғимдан чалиб йикитиши бир маҳал.  
Оғриқлар остида майишшиб юрган одам —  
Мен ҳижжалаб ўқидим шиша синикларини:

«БАЙНАЛМИЛАД»  
1987

\* \* \*

Бир юртда янги бино қал кутарди,  
Унга ном бердилар чулчугча,  
Талаффуз этолмади ҳатто бутун халқ.

Келиштириб айтаман деб бу сўзни  
Кимнинг тили оғзидан осилиб қолди,  
Кимнинг тили томоғидан пастга тушиб кетди,  
Кимнинг тили синди.

Ўз тилин таний олмай қолди ҳатто бутун халқ.  
Суяксиз бўлса ҳам синар экан тил.

1987

\* \* \*

Кундан-кун ўсмоқда Гулливер,  
Кундан-кун кичраяр лилипутлар.  
Аммо кичраймайди, каттармайди Ер,  
Аммо ҳам келар, ҳам кетир булатлар.

Лилипутларни эзгилаб ҳайдайди  
Гулливер занжирли мошинини.  
Чумолилар ноласи етмайди барибир,  
Дарознинг қулоги жуда баландда.

Етган тақдирда ҳам тили бошқа-ку,  
Тушунмас лилипутлар тилига.  
Бошларин ҳеч қачон кутармасин деб  
Этаклар боғлади миттилар белига.

Уйларни бузди, қабрларни бузди,  
Шудгорлаб ташлади бешик ўрнин ҳам.  
Сўнгра жажжиларни элаклаб  
Чигит қилиб экди хотиржам.

Қулоғидан чўзди ўсмаганини,  
Ўсганини эса чеканка қилди.  
Кувлари ўзга бир йўллар қидирса,  
Кесак қилиб бостириб кўйди.

Артди эски китобларга кир жойини,  
Эски ёзувларни ёқиб исинди.  
Ҳамма нарса бор деб Ўзбекистонга  
Фолибона юриш айлади.

... Бу узуннинг бўйи шундай баландки,  
Ўзи яксон этган лилипутларнинг  
Қони ва жасадидан ҳосил бўлган  
Ботқоққа ҳеч қачон ўзи ботмайди.

Кўк кўзли девларга ўхшаган,  
Дами ўткир, хўжифармо, оташнафас.  
У бошқа Гулливер — сочи, юзи сариқ,  
Адабиётдаги Гулливер эмас.

Лилипут ҳалқи ҳам қилди исён,  
Камон, ёй, найза, тошлилар-да қурол.  
Совуқ сувлар сепиб чўктирас барин  
Биз билган қирол.

1987

\* \* \*

Эшикнинг нарёғида нима бор?  
Эшикнинг нарёғида ташқари.  
Эшикнинг нарёғида нима бор?  
Эшикнинг нарёғида ёш, қари.

Эшикнинг нарёғида нима бор?  
Эшикнинг нарёғида ёзу қиши.  
Эшикнинг нарёғида нима бор?  
Эшикнинг нарёғида пахта, иш.

Эшикнинг нарёғида нима бор?  
Эшикнинг нарёғида қора халқ.  
Кимлигин билмаган чўллар нарёғида,  
Бу ёғида курси, олтии жарақ-жарақ.

Эшикнинг нарёғида нима бор?  
Юраклари кусак бўлиб қотган ўзбек.  
Эшикнинг нарёғида нималар бор?  
Деҳқонлар бор унутилган эски сўздек.

Томоғларнинг ўртасида бир девор бор,  
Бу деворга ёзар ҳар ким ўз сўзини.  
Оддий одамнинг қўлидан ҳеч иш келмас,  
Чўқимайди зоф-зогнинг кўзини.

Эшикнинг нарёғида нималар бор?  
Ялангоёқлар, қолоқлар, маҳкума дин.  
Ўрмоқлардай улар ўзи кенгаяркан,  
Кизиқмасин булар тақдирита ҳеч ким.

Эшикнинг нарёғида нима бор?  
Эшикнинг нарёғида қоп-қора тун —  
Чексиз осмон қучогига ҳам сифмаган  
Ситоралар сариқ учун, сонсиз учун.

Эшикнинг нарёғида нималар бор?  
Аёлмас, жон киритилган гузапоя.  
Оқ сутида кўсакларни суторади,  
Пахтазори - ватанига йўқ ниҳоя.

Эшикнинг нарёғида ионни тишлаб,  
Чарчоғида ухлаб қолтан дард, аламлар.  
Эшикнинг бу ёғида нималар бор?  
Худога ҳам, бандага ҳам ишонмайдиган  
одамлар.

Эшикнинг нарёғида нималар бор?  
Эшикнинг нарёғида одамлар бор.  
Эшикнинг нарёғида нималар бор?  
Эшикнинг бу ёғида ҳам одамлар бор.

Эшикнинг нарёғида қандай одам?  
Эшикнинг бу ёғида қандай одам?

1987

### **“ЮКОРИ”НИНГ КЎРСАТМАСИ (Киноя)**

Шоирча шоирга тақлид қилмасин, —  
Бу ёмон.  
Халқ тақлид қилаверсин халқقا, —  
Бу омон.

Рассомча рассомта ўхшаса агар —  
Бу даңшат.

Халқ ўхшаб бораверса халққа —  
Тараққиёт.

Мұғанний қўшилиб кетмасин мұғаннийға,  
Бу йўқлик.

Халқ қўшилиб кетаверсин халққа —  
Тўқликдан.

Намуна бўлолмас одам одамга,  
Намуна эмассан қўёш, хўп зўр балқ.  
Қолип қўчиришда ҳам мард кетиш керак,  
Андоза бўла олар бутун халққа халқ.

Ҳатто тақлидда ҳам катта юриш керак.  
Ҳатто тақлидда ҳам бўлмасин ҳалқа.  
Бир шоир, бир рассом деб ўтирумасдан  
Тақлид қилиш керак бутун бир халқа!

1987

\* \* \*

Кута-кута милт-милт ўчди чироқларим,  
Чароқ бўлиб ёнди оташ сўроқларим,  
Еругимда төғ қайради қайроқларим,  
Қовурғамга тўкилдилар титроқларим,  
Мендек куйган бўлса керак девоналар,  
Юрагимда кулга дўнди парвоналар.

Қоронғуда изларингти кўрарманму,  
Изларингдан қайда дебон сўрарманму,  
Кўзёшимдан сенга қаср куарманму,

Қаср ичра соchlарингни ўрарманму?  
Сенсиз, нурсиз, ўтин эрур кошоналар,  
Чароққа тени бўлодмагай дурдоналар.

Зулумотда тийро рўзгор, хонумоним,  
Оёғингнинг гарди бўлди азиз жоним,  
Коса-коса лахча тутди пир-мугоним,  
Кечдим - хароб, туроб, нураб тан вайроним,  
Ёқа-ёқа мени адo қилди қодир,  
Хатоларда садоларим бўлди содир.

Ошиқ бўлдим, ошно бўлди осий хатар,  
Хатарлардан хатлар олдим мен дарбадар,  
Аҳволима барча кулди, сен бехабар,  
Бўғзимга қўй ҳилолингдан ясаб табар,  
Ўчогинигта ўтин бўлсин сўнгакларим,  
Қоним - хино, кўзгунг бўлсин юракларим.

Бу не лашкар — кўзингдан нур уздирмагай,  
Бу не лашкар — кўксингдан гул уздирмагай  
Ё гулингдан бир ғулдаста туздирмагай,  
Гулдастангни суюб-суюб буздирмагай,  
Кўчант тўлди кечалари харидорга,  
Дучор бўлди неchalари хари, дорга.

Оlam сенга банди бўлди, бир сен озод,  
Атрофингда биру борим қилар фарёд,  
Ёмон кўрсанг — сўзонларинг сангини от,  
Яхши кўрсанг — кел деб чақир, қилгин-да ёд,  
Ошиқ баҳти ишқ йўлида бўлмоқдик хор,  
Ожизларга журъат баҳш эт парвардитор.

1991

\* \* \*

Умр дараҳтида япроқдир жисмим,  
Вужудим портлаш-чун тутылған күртак.  
Андухлар шамоли түзғитар күзим...  
Төелар эса мангу собитдир бешак.

Күкарсам қирдаги гулдай қай замон,  
Рұхимни қор янглиғ чулғайди қайғу.  
Кетурман аждодлар диәри томон...  
Төелар, тошлар эса дунёдай мангу.

1990

\* \* \*

*Синфдош дүстүм Мусурмонга*

Бошимда ўстирдим қора ҳасратни,  
Сүқмоқларнинг тугуниидир қулогим.  
Отам салласидай ёйдим ҳижратни,  
Роҳингта нур эксин қора қарогим.

Богимдан бир түбий кесди қодирлар,  
Умуртқасин бир-бир ечди минора.  
Тешиктош, тешиктоғ здим - жабрлар  
Барҳақ ёлғон аро, чил-чил чии аро.

Кафтларимнинг шудгорларига  
Экдим севгим күнларини бирма-бир.  
Безган қиплоқ бўлиб кетдинг шаҳардан,  
Бошингни силасин Хизр - бобо Пир.

Қиплоқда тупроққа эгил мен учун,  
Тошларга кўзларинг ёшларини тўқ.  
Айт, бошқа ҳеч қиплоқ, ҳеч бир онада  
Мен каби бевафо, сантдил фарзанд йўқ.

Үн йил ўтиб кетди. Күшларимизни  
Итлар тугиб еди ўнгир, далада.  
Бахтдан бир танга йўқ ўн йил муқаддам  
Қишлоққа хайр деган шоирболада.

Үн йил ўтиб кетди. Ёшлик-да ўтар,  
Уйқудан уйғонсак тутар умр ҳам.  
Бахт излаб қишлоқдан кетган йигитнинг  
Толе тополмаган боши бўлди ҳам.

Тўргайлар тилидан тўқилар зорим,  
Ҳасратимдан қақшаб ётар она-Чўл.  
Билинарми унда йўғим ё борим?..  
Оталар дуога очганида қўл  
Жарантлаб кетди-ей минг битта торим.

Кетдинг...

Сени мендан олиб кетди йўл.

1991

• • •

Тўқнашади икки дунё,  
Тўқнашади икки куч.  
Тўқнашади еру само.  
Чил-чил синар ҳуқуқ, бурч.

Тўқнашади икки жаҳон,  
Тўқнашади икки фан.  
Тўқнашади икки замон,  
Бўлинниб кетар Ватан.

Түқнашади икки олам,  
Түқнашади икки илм.  
Түқнаш келиб икки одам,  
Одамга етар зулм.

Түқнош келиб икки очун  
Икки илдиз узилди.  
Икки төгнинг ўртасида  
Қолиб одам эзилди.

Түқнош келиб икки гардун  
Бир-бирини тошлайди.  
Ҳар бир юрак, ҳар одамда  
Икки дунё яшайди.

1991

## ЎТИНЧИ ҚИЗ

Совуқ ёвуқ эди шалвираган далада.  
Ҳайдов пахтазорда юрарда пода.  
Ерни бўлиб олиб тала-талада  
Эрқаклар кечаси ичарди бода.  
Эски чопонларга ўраниб қизлар  
Белларига боғлаб белбоғ ё чилвир,  
(Ортда кичикларни чорлаган излар  
Кўзлари — оловлар элаган ғалвир.)  
Кирза этиклари лойларга ботиб,  
Ногоҳ ўроқ кесиб бармоқларини,  
Қошлари қировлар яхидаги қотиб,  
Чарчоқлар кучоқлаб оёқларини,  
Кучоқ-кучоқ қилиб, ҳам боғ-боғ қилиб  
Ғўзапоя ўраси эдилар қизлар.  
Дарахтларни кесиб отам ясаган  
Чанани тортарди ҳўқизлар.

Унга күп бўлди.  
Дала хувилларди, улирди шоқол,  
Кўй боқиб юрардим оламда ёлғиз.  
Шунда таниганиман ҳайратни яққол,  
Ўшандада таниган мени ялмогиз.  
Мен ҳали дунёни таниб улгурмай,  
Улгурдим жонимни қўйиб хатарга.  
Талпиниб яшадим болалигимдан  
Уфқ ортидаги шаҳарга.  
Майсага ёярдим қизғини белбогни:  
Яримта нон, бир ҳовуч майиз.  
Пиёла қиласардим яшил қалпоқни...  
Бир куни узоқдан кўринди бир қиз.  
Ётиб сув ичардим лойқа ариқдан,  
Замбариқ ер эдим кўмиб оловга.  
Шувоқ, заранг, юлгун келтирас эдим  
Қалонга.

Унга кўп бўлди.  
Совуқ ёвуқ келди чала далага,  
Исиниб туардим етим чувоқда.  
Бир куни бир қора кўриниди хира,  
Яқинимга келди ул қиз узоқдан. —  
Қишида гўзапоя ўраётган қиз,  
Мен биринчи марта кўраётган қиз.  
Тушунмас эдим мен одам тилини,  
Билмайман нималар сўраётган қиз.  
Менга қараб турди юлдуздай тикса,  
Қаради юлдуздай киприк қоқмасдан.  
Гўё қулаб тушдим мен чуқурликка,  
Хаёлларим қолди оқмасдан.  
Охир жилмайди у, кулгичларида  
Кўсакдай очилди кўнгилнинг кўзи.  
Эҳтимол, илк бора жимиirlади қалб,  
Илк бора тилимни куйдирди сўзим.

Чаноқлар жириңлар құнғироқлардай,  
Осмонимни түсди шудгор қушлари.  
О, ҳамон эсласам, ҳамон эсласам  
Күзимни ёндирап оғлоқ тишлари.  
Менга оқ қанд берди сүнгра уч дона  
Ва айтди: — Бири сен, бири мен, бу ким?  
Күэларининг нотинч тегирмонига  
Жонимни түқдиму туравердим жим.  
Мен қызға демаган әдим ҳеч нарса,  
Бир умрга менда қолди саволи.  
Бурилиб югуреб кеттан әди қыз,  
Ғүзага илашиб түшди рўмоли.  
Унга кўп бўлди.  
Биз кўчиб кетдик.  
Унга кўп бўлди.  
Шудгорда совуқнинг тишларин изи.  
Дараҳтларни чекиб ўрмалар туман.  
Гардуннинг шаклсиз ва рангиз қизи —  
Фариштанинг қизи у ё ёсуман.  
Мен қызға демаган әдим ҳеч нарса,  
Кишимни у ўзи ювиб қўярди.  
Тайёрлаб қўярди овқатимни ҳам,  
Гоҳо пинҳон-пинҳон суярди.  
Яқинда кечаси келди у йиғлаб,  
Деди: — Хотирадан қўрқаяпман кўп.  
Сочларин торида тумоннинг суви  
Қатра-қатра бўлиб қилар талотўп.  
Мен қызға демаган әдим ҳеч нарса.  
Совғалар қиларди менга бир талай.  
Мен ҳам ўша қизнинг хизматларида,  
Эшигида унинг ҳар куни толай.  
Яқинда кечаси йиғлаб келди у,  
Деди: — Хотирадан қўрқаяпти дил.  
Бешта қадаҳ совға қиларкан, деди:

— Бу менман, бу сизсиз, бу — утта ўғил.  
Кувурдан ўтётган сувнинг йўлини  
Ёпмоқчи бўлгандай ғаввос ялпизхон,  
Сочига қоп-қора туман занжирбанд  
Ё соchlари тумон руҳида тўғон,  
Тўзон.

Ҳафиф қадаҳларнинг бу тақсимоти  
Болалик, оқ қандни солди ёдимга.  
Сўзладим ўтинчи қизча ҳақида  
Гўё сўзлагандек ўз ҳаётимга.  
Бирдан хушёр тортди, кўзлари чақнар  
Чақмоққа тўлгандай маҳзуна гўша.  
Баногоҳ қичқириб йиглаб юборар:  
— Ўша мен, ўша мен, мен ўша, ўша!..  
Гўё битта иондай кичраяр само,  
Гўё пойимиздан қочиб чиқар Ер.  
Кўлларин ҳалқадай бўйнимга осиб:  
— Ўша қиз, ўша қиз, ўша қизман!.. — дер.  
— Мана, — кўрсатаман қизгиш рўмолни,  
Гўё қайтиб келар сургундан дийдор.  
Рўмолни кўксига босиб йиглайди:  
— Онамдан, опамдан, уйимдан ёдгор.  
Йўқотган нарсасин топгандай эмас,  
Урущдан қайтгандай гўё отаси.  
Ўн беш йилдан кейин аён бўлди-ку,  
Қисматнинг жудаям оддий хатоси.  
— Биз ҳам кўчтан эдик ўшандан кейин,  
Лекин унутмадим сизни ҳеч қачон...  
Туман тарқаларди тўзган подадай,  
Майсадай кўкарап эди галаён.  
Унга кўп бўлди.

1991

\* \* \*

Ёлғизлик, мен сенга тинчлик тилайман,  
Күкликлар, кенгликлар сизга, күкатлар.  
Жонимни күёшта солиб элайман,  
Элакнинг кўзидан ўтар бургутлар.

Булутлар, сиз учун ёмғир ва само -  
Жонимни шишадай ювгувчи замзам.

Авайла,

найсоним,

вовайло,

Мендан қолари бир томчи мум, балзам.

Йиги, кулгуларим сизга, чумчуқлар,  
Кошки кўзларим-да сизларга борса.

Яшил томирларим сизга, урчуқлар,

Керак эмас менга ҳеч нарса.

Юрагимга жондай яқин бўлдингиз,  
Тонглар, шул дилимни олинг, у — чодир.  
Туним, масоғангни йигиштириб ол,  
Куним кун кечирсин тингч, бехавотир.

Кушлар учадирлар боғлари била,  
Ойим, яраланган қушга ўхшайсиз.

Ботиб узоқларда ўз қонингизга

Мен тарафга қараб,

тўхтайсиз...

Сизга қолдираман кўприкларимни —  
Тўкилган киприқдай экилган майса.

Тишларим тошлиарга улашдим,

Менга керак эмас ҳеч нарса.

Қароқларим — қаҳрабо қаср,  
Қақнусқуша қаҳрли тортиқ...  
Мени ҳеч ким севмади,  
Бироқ  
Тупроқ билан севищдим қаттиқ.

Ҳеч ким мени қызғанмас ердай!  
Шу севгидә сочим оқарди.  
Қүёш — юлдуз каби ўқ тегиб  
Енаёттан құшдай бокарди.

Висол они яқин хок ила,  
Күнглимга соч чаймоқда майса.  
Ер олмоқда ўз қучогига,  
Менға керак эмас ҳеч нарса.

1992

\* \* \*

Лабларим япроқлар — сўзлар совурди  
Вужудинг борига тилим олови,  
Оловларим тили етди, қоврилди  
Кокилинг — ҳижроннинг қора косови.

Гулға қўнолмаган болари каби  
Ранжима, баргларим сифмас ўзига.  
Суягим оқарап — мен наби

Ойнинг заминдаги қизига,  
Ойнинг заминдаги қизига.

1989

## **ЕТТИ ЙИЛ**

**Етти йил:**

Күлимда жомадан, ёнимда отам,  
Күзимда тахайор, хавотир, хатар,  
Учоқ қанотида битта пар — одам,  
Учиб кетмоқдаман, мұлжалым шаҳар.

**Етти йил:**

Ёнимда отам йүқ, құлларим бүм-бүш,  
Ховучимга кечмиш тақдирлар тұлиб,  
Ялангоёқ кетдім. (Дунё, хайр-хүш) —  
Юрагим — ярадор күшта юқ бўлиб...

Тошларни күзимга суртиб йиглайман:  
Навраста ниҳоллар дарахт бўлибди.  
Онажон, мен энди қандоқ ухлайман,  
Ховлига муқаддас руҳлар тўлибди.

Шу сўзни ёзардим, силкиниб осмон  
Ёзниңг ёмғирлари чопди безовта.  
Керак нарсасини топмади Йисон,  
Мента энг керакли сен эдинг, ота!

Баъзан оддий қадр топмадинг, кўнглим,  
Кел-эй, ўксинмагин мусофир юрак.  
Уч-тўртта томчига кўрсатиб йўлни  
Силкинди-ку ҳатто осмону фалак...

Салом, эй отамнинг уйи — қабристон!  
Навраста ниҳоллар дарахт бўлибди.  
Ойни симёючта илиб қўйганлар,  
Юлдузлар, чироқлар, шамлар сўнибди.

Асли муҳожирман дорулбақода,  
Ҳаёт зингонида ҳам руҳим, ҳам дил.  
Занжирни болтанинг остига қўяй,  
Қўлларимни қўйиб юбор, етти йил.

1989

## ҚОҒОЗ КЕМА

Юзидан кулгулар тўкилар нурдай,  
Жарликлар бўғзидан қочиб чиқар сув.  
Дараҳтлар барг эмас, тош отар, тийрдон  
Тешилар, қўлимни тишлайди адув:  
“Қалқиб кетма, оқиб кетма, қоғоз кема”.

Шамол изларини супириб ташла,  
Ортиқ ўртамасин хотира, ёдлар.  
Булбул қанотига уя қўйган шўх  
Довушинг ёнали жаранглаб, додлаб:  
“Қалқиб кетма, оқиб кетма, қоғоз кема”.

Наҳот болаликни йўқотиб қўйдим?  
Ҳайҳот, ёшлигимнинг фасли ҳазони.  
Кўзимга дунёни беркитиб қўйдим,  
Ўқийман умримнинг қай кун азонин:  
“Қалқиб кетма, оқиб кетма, қоғоз кема”.

Дунё-ку аслида қоғоз ошёндир,  
Нафасимдан куяр, уҳимдан тўзар.  
Руҳимдаги қийноқ сенга аёндир,  
Дилни ёлғиз ташлаб кетишинг бузар:  
“Қалқиб кетма, оқиб кетма, қоғоз кема”.

1989

## АСКАР ҚҰШИФИ

Үлсам — тоғлар мента тобут,  
Үлсам — булат кафандир.  
Суягимга ажриқ совут,  
Үзға тупроқ ватандир.

Үлсам — ёниб кетмасам гар,  
Үлсам — агар чўқмасам,  
Биргина тош бўлсин қабр...  
Майса қонин тўқмасман.

Үлсам — отам тирилсайди,  
Үлсам — бобом уйғонсин.  
Фанимларим қирилсайди...  
Икки дарё тўлғонсин.

Үлсам — орзулар сўлса-ю,  
Үлсам — гамлар сочилса...  
Онам кўнгли тош бўлса-ю,  
Укам кўзи очилса.

Үлсам — (бор у туғилганда)  
Армонимни кўринглар.  
Синфдошлар, йигилганда  
Мени эслаб туринглар...

1989

\* \* \*

Хаммаси тутайди гаройиб ва соз,  
Хаммаси топади чиройли якун.  
Үқини албатта отар тийрандоз,  
Биздан хок қолади, ёнмоқдан — кукун.

Бариси одатий, оддий ўтади,  
Бари ўз ўрнига тушар ниҳоят.  
Билмайман, нималар, кимлар кутади...  
“Бизнинг вазифамиз кўникоқ фақат”.

1989

\* \* \*

Кўм-кўк дарахт, кўм-кўк мамлакат,  
Кушлар кўниб кетгувчи ошён.  
Яшил туёлар тутган раият,  
Фалакка йўл солтан кўк исён.

Кўм-кўк тож-тахт — тунда сарғимтил,  
Бойўғилар кўниб олурлар.  
Отилмаса агар тош, яшил  
Юртга ҳоким бўлиб қолурлар.

Яшил фонус, кўм-кўк фаввора,  
Сарғаяр илк кирпич — кўк қаср.  
Қадим юртни қилас тўрут пора  
Зардолуд ўт — аргувон аср.

1989

\* \* \*

Нур элаган кафтларимда гулларим титрайдилар,  
Титроқлардан шигир-шигир тўкилади соҳир тун.  
Майсаларнинг яшил пати капалак тутгайдирлар,  
Навдаларнинг бўғинида эшилиб кетар тутун.

Тупроқ каби тирилади кўксимдаги қабатлар,  
Кўзларимга қабогингдан нур ичиргин, бойчечак.  
Кулчалардай замбариққа тўлиб-тошар саватлар,

Хайратимдай, хәёлимдай ўрар борни гулпечак.  
Қобирғамнинг қафасини тимдалайди бир фарёд,  
Кеттанлар кўп, қайтганлар йўқ:

кетганлар қайтмайдими?

Вужудимда тушунисиз оқаётир бир дарё,  
Қайтмаганлар қўшигини қайтганлар айтмайдими?

1990

\* \* \*

Япроқ ёнар, даракт ёнар,  
Юрагимга тўлди тутун.  
Тупроқ тонар, кўр баҳт қонар,  
Ўтовларим ўлур ўтин.

Бу кўчадан мен ўтмадим,  
Бу кўчадан ўтти қайғу.  
Мени ҳеч ким ҳеч кутмади,  
Дилим - тўзиб кетган чолғу.

Носоз бўлиб мен ёнаман,  
Чўгимда соз исинади.  
Қайгулилар қайгудалар,  
Севинганлар севинади.

1992

\* \* \*

Ой уйғонди ола-була далада,  
Боғлар кўзларимни тун ила боғлар.  
Чарчақ — мизгиётган бола чайлада,  
Тўрт-т-а-ёқ о-й-йоқни фонусдай ёқар.

Пойидор заминга түшини ташлаб,  
Иккита кўк шамни йиглатмоқда от.  
Тўзғиган тўлқинни ёпиниб ухлар  
От монаанд ҳориган, қариган Ҳаёт.

1993

\* \* \*

Зулумот тирилди тунги боғларда,  
Вужудимдай титрар норасида барг.  
Сизнинг чироғингиз уйғоқ ёқларда  
Сўқир парвонадек бўлдим жувонмарг.  
Чироқлар кўз очди деразаларда,  
Бул ойдин тунда ҳам ўлиб ўлмадим.  
Ҳар кун бир тирилдим бир қазо учун,  
Ҳеч қачон ҳеч кимга керак бўлмадим.  
Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам кетдилар ташлаб,  
Йиглар дўст бормикан тўсатдан ўлсам?  
Умрим арзимагай бир қатра ёшта,  
Бас, бир иморатга бир кирпич бўлсам.

1993

\* \* \*

Бармоғингта узук тақсам узук ҳам эриб кетди,  
Кўлим етти, лек сочингни сочқин ел ўриб кетти.  
Дарёларнинг бўйларида ўйларим ҳолсиз ётар,  
Жон олгучи бармоғингта ким узук бериб кетти.  
Дарё дедим, мен келганда дарёлар қуриб қолди,  
Дунё дедим, мен келганда дунёлар қуриб қолди.  
Юрагимни қоғоз мисол ғижим-ғижим эттинг, ёр,

Худо дедим, Худо урди, Салим энди йўқолди.  
Шоир сўзни яратмади, Сўз шоирни яратди,  
Шоир менинг каби йиғлаб ўз кўнглини қаритти.  
Бу кунлар ҳам ўтар-кетар, мен ҳам ўтиб кетарман,  
Юрагимни бу дунёнинг ташвишлари қаритти.

1993

\* \* \*

Тош шаҳарнинг кўчалари кўп,  
Ярми ойдин, ярми қоронғу.  
Бир четида отадилар ўқ,  
Бир четида ўсар ёронгул.  
Ёронгулни ёри унуган,  
Тунда ётар бошқалар билан.  
Етар, жабр жонингдан ўтган  
Бўлса яна жафолар тилан.  
Сонларини сиқиб тор шимда,  
Кўкрагига боғлаб оқ дурлар,  
Ўзимники эмас, қаршимда  
Ўзгаларнинг севгани турар.  
Сочларидан сочилаш атири...  
Адирларга шошилаш шаҳар.  
Кучоқлайман бир тунлик ёрни,  
Дил зулматин ёритар гуҳар.

1993

\* \* \*

Кўксимга оловлар қалади фалак,  
Кўнглим маҳзанларин талади фалак,  
Жонимни жонингга улади фалак,  
Энди хаз-зонимга тўлади фалак,

Учқун учқон ўчоқларим ўчди менинг,  
Ирмоқларим, қирғоқларим күчли менинг.  
Фамимни, камимни тунга яширдим,  
Кечага, күчага дилни топширдим,  
Бу баҳтсиз бошимга ўзим тош урдим,  
Толе тошларита келиб бош урдим,  
Учқун учқон ўчоқларим ўчди менинг,  
Ирмоқларим, қирғоқларим күчди менинг.  
Йўлларингниң чанғти кўзимга тушиди,  
Қўлларингниң ранғти сўзимга тушиди,  
Соялар, қоялар изимга тушиди,  
Ханжарлар, ахгарлар бўғзимга тушиди  
Учқун учқон ўчоқларим ўчди менинг,  
Ирмоқларим, қирғоқларим күчди менинг.  
Гул туккан боғларга марҳабо, келинг,  
Тун чўккан тоғларга марҳабо, келинг,  
Биз ўстган ёқларга марҳабо, келинг,  
Дилдаги доғларга марҳабо, келинг,  
Учқун учқон ўчоқларим ўчди менинг,  
Ирмоқларим, қирғоқларим күчди менинг.

1991

\* \* \*

Жамолинг нурига ташнаман,  
Дийдорингни чанқади ҳовуз.  
Жисмим менинг жафокаш тошдан,  
Ел чалгай чумчуқдай чанқовуз.  
Қомати ғам қаби қайрилган  
Мажнунтол — ўзимдай мажруҳ тол,  
Ёридан мен қаби айрилган  
Гулаёл, нурхаёл: каж-руҳ-дол.  
Толедор мен эмас, шу ҳовуз:

Сойингдин ойдинни ичади,  
Хиромон қиласи минг товус,  
Қушлар мени ташлаб учади  
(Бир қүшсиз қоламан күчада).

Озорим абгорида Ҳовуз ва ҳамсоя қиз,  
Қовурғам шудгорида Синган парча жуволдиз.  
Кечмишим ангорида Беш панжам очиқ илдиз,  
Жонимнинг фиторида Кўшини қиздан қолган из.

Хинодор кафтиңгни ўпади сатил,  
Кўзим, китригига сатилдай осил.  
Бизнинг дарвозадан яқин юриб ўт,  
Юлдуз қиз, муродинг бўлсин-эй ҳосил.

Ҳовузнинг суви йўқ, менинг ғамхўрим,  
Жафокор дунёда жоним - қаттиқ тош.  
Муҳаббатталабман, бошда шу кўрим,  
Чанқоғимга қудуқ беролмайди дош.

Юлдуз қиз, юзлари кундуз қиз,  
Кўкрагига кундуз кирган қиз,  
Изингда оёғим қонади,  
Китригингдан тўқдингми бигиз?

1991

## ҚИШЛОҚДА

Сут тишига ўхшаган уйлар  
Қари милқда начор туради.  
Вужуддаги оғриқ — юракдай  
Ўсмир нотекис югуряди.

Тупроқ титиб ҳар йил одамлар  
Бир хазина топишга уринар.  
Бунда қанча оч қолсам агар  
Оlam шунча ёруғ күринар.

2002

\* \* \*

Излай-излай, гадоликдан  
Подишо бўлиб камида,  
Ҳайҳот, излаганимни  
Тополмадим заминдан.  
Қўлим кўкка етди, излаб  
Гоҳ топдим, гоҳ топмадим.  
Ҳайҳот излаганимни  
Осмондан ҳам топмадим.

1996

\* \* \*

Ҳамён — қорин оч-ку ўлгудай,  
Дастурхонлар (нон йўқ) бунча оч.  
Титроқ чопар хонаки гулда,  
Оч рангларда оқаради соч.

Эртанги кун ваҳми ўйимда,  
Юрагимни шу даҳшат ёратар.  
Нон камайган сари ўйимда  
Ноңхўраклар кўпайиб борар.

1996

\* \* \*

Янги замонда янги  
Илму сабоқ кўпайган.  
Ҳаммасидан оғирдир  
Очлик деган янги фан.

Ёшлигимдан бу дарсни  
Яхши ўзлаштирганман.  
Иродаю сабримни  
Чархлаб тезлаштирганман.

Қорним очу ва лекин  
Кўнглим тўқдир кўнглимдан.  
Ўқийверсам шу фанни..  
Уяламан ўғлимдан.

1996

\* \* \*

Сени яна қандай чақирай?  
Нималар дей?  
Пастга тушгина  
Хаёлимнинг деразасига  
Ўз исмини ёзган қушгина.

1987

\* \* \*

Юрак саҳронинг қоқ ўртасидаги  
Ёлғиз дараҳт янглиғ қовжираётир.  
Осмонда портлаган самолётлардай  
Вужуд пораканда, боиси надир?

Кунлар турналардай ўгаётирлар,  
Юлдузлар күёшли эртадан софир.  
Тоғлардай монолит, баҳтдай омонат  
Орзуларим менинг, боиси надир?

Далада ҳосил мўл ҳар йилдагидан,  
Аён — паҳтадан ҳам ҳақиқат нодир.  
Паҳта тераётган халқимни кўриб,  
Яна кўнглим ярим, боиси надир?

1987

\* \* \*

Йиқиласман бир кун пойинга  
Мағлуб бўлган улкан сабрдай,  
Уят отлиғ тушунчаларнинг  
Ҳаётига тирик қабрдай.

Заҳру забун менинг ҳолимга  
Раҳминг келиб қул чўзсанг агар  
Туриб кетгум қучоқлаб сени  
Фазоларнинг хаёли қалар.

Бахтимизнинг гулбоғларидан  
Учиб тўда-тўда қаптарлар,  
Толемизнинг ёруғ шарҳига  
Етмагайдир яшил дафтарлар.

Орамизда Карбало дашти  
Кўклам бўлиб гуллаган соат  
Қошларингнинг меҳробларида  
Умр сўраб қилгум ибодат.

Тұнимизни күр зулматлардан  
Еритолса иқболи қавқаб,  
Баданингта шеърлар ёзурман  
Сенга атаб, ўзимга атаб.

Балки сиғмай номимиз Қайсдан  
Бошланған ишқ қитобларига  
Бахтимизни осмон қылурмиз  
Келажакнинг офтобларига.

Тутолмасин бизни, ишқилиб,  
Омаднинг акс ҳодисалари,  
Синмасин-да кўксимиз ичра  
Нурдан тұла дил косалари...

Йиқиламан бир кун пойингта  
Мағлуб бўлган улкан сабрдай,  
Уят отлиғ тушунчаларнинг  
Ҳаётита тирик қабрдай.

1983

\* \* \*

Азоблайди юришім керак  
Бўлган йўлда бир қиз борлиги,  
Юлдуз билан, нур билан тўла  
Осмонларнинг баҳтиёrlиги.

Чиқиб кетгум Термизий бўлиб  
Чаганиён бардошларидан,  
Ҳажрин дашиб ташнасибурман  
Жамолининг қуёшларидан.

Қаттиқ соғлик ҳам жоига тегиб,  
Йўл бошида туриб мен гумроҳ,  
Гул васлининг ҳавасларига,  
Дардларига чалинди могоҳ.

Эъзозларим — асрорларимнинг  
Шон, донгидан ўлардай тўйдим,  
Йўлимдаги қизга узоқдан  
Тилсиз, дилсиз муҳаббат қўйдим.

Жим ўтолсам яхши — ичимда  
Тўрт муҳит-да бошламай тўфон,  
Бедор, тиниқ сезгилардаги  
Ўн тўққиз ёш қилмай тўполон.

Кўрқаманки, кўнмайди кўнгил  
Фикрларнинг алдовларига,  
Муҳаббатга учиб киради  
Йигитликнинг бедовларида...

Эъзозларим - асрорларимнинг  
Шон, донгидан ўлардай тўйдим,  
Йўлимдаги қизга узоқдан  
Тилсиз, дилсиз муҳаббат қўйдим.

1983

### **ТОШКЕНТ ОСМОНИ ҲАҚИДА ҒАМГИН ЎЛАН**

*Шодиқулга*

Тошкент осмонида юлдузлар сийрак.  
Тошкент осмонида юлдузлар хира.  
Тошкентнинг осмони зангору тиниқ.  
Тошкентнинг осмони тийра, бокира.

Осмон - лаб тегмаган маъсума бадан.  
Асрый ёшларида ювягти ёмғир.  
Парли кипригида артади булут,  
Капалак подаси сузяпти фир-ғир.

Аёлнинг кўксига қадалган хаёл —  
Тилла тангачадай порлаган юлдуз...

Осмонни ичяпман кўзларим билан,  
Юлдузлар тўкилар тўкилган қалбга.  
Сарпойчан нигоҳим сомон кучадан  
Йўртиб бораётир жануб тарафга.

Отангнинг мард ўғли бўлайин десант,  
Тилла тангачани тишларингда уз...

Тошкент осмонини чулғайди фикрим.  
Тошкент осмонида юлдузларим бор.  
Шу осмон остида ўтказган тунлар,  
Шу ерда ўтказган кундузларим бор.

Ҳасратим қатига бу осмон тордир.  
Бу осмон гарқ бўлган севгим ёшига.  
Тошкент осмонининг бор оғирлиги  
Буюк гарибларнинг тушган бошига.

1983

\* \* \*

Келдим кошиигизга сизни кўргали,  
Сиз кет демоқликка шайсиз шу фурсат.  
Мен ортга қайтмайман энди ҳеч қачон,  
Юрак, тирик бўлсанг борлигинг кўрсат!

Кўзлар ҳалқасининг доирасида  
Софинг оловидан куйли қароғлар.  
Тилимлаб ташлади бардошларимни  
Юракка санчилган сонсиз яроғлар.

Киприкларим дилбар тальятингизнинг  
Аксини мардумлар қатига жойлаб,  
Ўша озуқадан ўсар кўзимда  
Шуурлар ва нурлар кунлаб ва ойлаб.

Сўзнинг йўқлигига илова эрур:  
Севгилим бўлмайди тили толенинг.  
Багримга тўкилар соchlарингиздан  
Узун парчалари жануб елининг.

Сиз кет демоқликка қарор қилманг ҳеч,  
Тикилиб тургайман қилиб кунни тун.  
Бошқалар келолмас жойлардан келдим,  
Сизни бир бор кўриб... кетмаслик учун.

1983

## МУБОРИЗ

Юлдузлар сочилади  
Қиличлар ўпичидан.  
Осмон тилимланади  
Билакларнинг кучидан.

Отлар учай дейди-ё,  
Эрк берингиз, эрк, эрк.  
Эҳ-ҳ, осмон дарвозаси  
Юлдузларга берк, берк.

Қалқонлардан сирғалған  
Қилич күккә санчилар.  
Парча осмон ўлими  
Гүзәл, гүзәл қанчалар!

Дубулғалар порлайди,  
Қуёшни унугасан.  
Ялонғочлаб қалбингни  
Қиличларға тутасан.

Қалбинг түрғамларидан  
Қон оқмайди, қызил қон.  
Эх-х, мұхаббат қонингни  
Сүриб-сүриб тутаттан!

Тулпорларнинг кўзида  
Фақат шиддат, фақат қон.  
Киприкларга тирмашар  
Фақат ҳаёт, фақат жон.

Дунё йўқдир, бу дунё  
Ал-қасос-ул - миналҳақ.  
Дунё пешонасига  
Тиг урилар тақ, тақ.

Ғайратлардан қизийди  
Жанг жадал, жант-жадал.  
Ўлимкор ҳамлалардан  
Омон қолади ажал.

Қайноқ терга чўмилған  
Хушқад отлар ечинар.  
Ўлолмаган жангчилар  
Лов-лов ўтга чекинар!..

1982

## **ТИЛИ УЗУН ОДАМ**

У тилини белкуракка айлантириб,  
Ичидаги ахлатларни түкаверар.  
Гоҳ бўйрани фазоларга шайлантириб,  
Гоҳ ўтрок деб фазогирни сўкаверар.

Оёқлари, кўллари — тил. Эртами, кеч  
Бирор жойда гап-сўз бўлса овқат емас.  
Шоирларнинг тили узун бўлмасин ҳеч...  
Яхшиямки ўша одам шоир эмас.

## **ҚЎЛИ УЗУН ОДАМ**

Бошингдан дўппингни олар у,  
Кўлингдан пиёла чойингни.  
Ризқу насибангни талар-у,  
Юлмоқчи бўлади ойингни.

Қуёшни — ҳаётбахш оловни  
Тутмоқча излайди чора — йўл,  
Осмондан қисқароқ, бироннинг  
Бошини силашдан баланд қўл.

## **ТИЛИ ҚИСҚА ОДАМ**

Тилини кўп қизартирган калом — доди  
Чўққидаги қулоқларга бормас етиб.  
Сўз демоқча ҳар оғизнинг сигар ҳадди  
Тили билан тишларини чертиб-чертиб.

Минбарларда табрикларга эмас чечан,  
Жони унинг мақтов эмас, синмас тошдан.  
Хаётининг йўлларида у ҳеч қачон  
Ўзининг ҳам овозини эшитмаган.

### **ҚЎЛИ ҚИСҚА ОДАМ**

Умрнинг паст-баланд йулида  
Калта деб қўл силтаб кетмади,  
Турмушнинг кетмони қўлида...  
Афсуски, қўллари етмади.

Чой топмас тоҳ толган қандига,  
Толгани тез тутар халтада.  
Кетмонни кутарар баландга...  
Афсуски қўллари калта-да.

1987

### **ОКТЯБРЬ**

Ой бошимас, аср бошидай  
Фижимлади кунларни бўрон.  
Тошлилар отди қисмат бағритош,  
Чўпдай синди қадимий Турон.

Дарахтлардан туғдаста ясад,  
Япроқларга ўз рангин суртди.  
Алвонланди қора дашт дастлаб,  
Ҳар юракни бир байроқ туртди.

Сочиларлар ноклар ўқлардай,  
Анор эмас, граната бу.  
Бўриларнинг кўйга дўқлари...  
Гранатадай портлаган қалб-ку.

Бўйсундирар совуқ оқимлар,  
Пахтакорга барибир жабр.  
Октябрь, сен ўтиб оқиндай  
Ва муқаррар келар ноябрь.

1987

## **KAPALAK**

*Ботирга*

Шамол қанча ожиз бўлмасин,  
Капалакдан ҳечам куч олмас.  
Капалакнинг қаноти кучли,  
Лек шамолга қарши учолмас.

1987

## МУНДАРИЖА

«Омонат жонимни кўйиб хатарга...» .....	3
Сиз учун .....	4
«Ёнимда аёл ухлар...» .....	5
«Бу жаҳон айвонида...» .....	5
«Бу қандай фасл бўлди...» .....	6
Дунёда ўз изим бор .....	6
Ёруғликка интилар гул .....	8
«Нигунларнинг сафидан танлаб...» .....	8
«Ёшлигимнинг осмонларида...» .....	10
«Кунлар ўтди, ойлар ўтди...» .....	11
«Дилимизда баҳору...» .....	13
«Осмон тула юлдузлар...» .....	14
«Чехраси ой, мағрур қиз...» .....	15
«Ёшлик ўттан борларимда...» .....	16
«Кўзимни кўр, ўзимни...» .....	18
«Гулим, сизни ҳастимнинг...» .....	19
«Тун билан қун гаровларда...» .....	20
«Кўнглимни бир ғашлик чулғай бошлади...» .....	21
Сен .....	22
Пушаймонлик .....	23
«Кўзим чўкмоқда менинг...» .....	23
«Кўзларидан ҳайрат сочади...» .....	23
Аскарнинг асли .....	24
«Сой бўйида, тол соясида...» .....	37
«Ўн саккизда гул очган шу қиз...» .....	39
Капитэн Х.нинг ватан ҳақидаги хусусий мушоҳадалари .....	40
Саҳар .....	49
Топ .....	49
Шолғом .....	50
Ёмғир .....	50
Соат .....	50

Олма дарахт .....	51
«Дарахтнинг шаҳдланган эгри қўлидан...» .....	51
«Хушхабар сингари тарқалди нонлар...» .....	52
«Мавжлар гуркираган киприкларингда...» .....	52
«Юрагим — кўксимда дарахтдай — оғир...» .....	53
«Бағрни май ила ювдим-ку...» .....	53
«Ёмғирлар кўнглимни ювгандада...» .....	54
«Майсаларга нур берган сўқмоқ...» .....	54
1985 йил 16 октябрь .....	55
Куз .....	55
Сиртлон ҳақида достон .....	55
«Сув ўтидай отим ёлида» .....	56
Чироқлар Баҳор .....	57
«Тунда йўлга тушибди Ваҳима...» .....	57
«Келган келди. Кетганлар кетди...» .....	57
«Чирогингиз нури бунча кам...» .....	58
«Қўлларимдан тутманг, кетаман...» .....	59
«Иш тугайди. Ишдан олдинроқ...» .....	61
«Бу ерга келмоқчи эмасдим сира...» .....	63
Тўхтанг .....	63
Эҳтимол .....	64
Чархпалак .....	65
«Бунча шошиб сайрайди қушлар...» .....	65
«Сиз билан ҳамсұхбат бўлмадим ҳаргиз...» .....	66
«Ҳаммаси бир дамда тугади. Тамом...» .....	66
«Мендан аразлади. Терс ўгирилди...» .....	67
«Кўнглимнинг ёнидан оқмоқда ҳаёт...» .....	68
«Кутдим...» .....	69
«Бир нима айланар атрофимдан...» .....	69
«Одамлар ухласин, қушлар тин олсин...» .....	70
«Тақдирни қарғама, ўксинма, овун...» .....	70
«Узоқда, узоқда, узоқда...» .....	71
Сен дединг .....	71
«Хар куни кўксимда бир ҳавас ўсди...» .....	72

Тонг олди .....	73
«Дунё деворлари, дунё уйлари...» .....	73
«Нечун эшик чертдим бемаҳал?!» .....	74
«Бир тошқин исмга айланди тунлар...» .....	74
«Томчи-томчи эрий бошлади...» .....	75
Чўл йўли .....	76
Қатралар .....	76
«Дараҳтлар баҳорни шундай узоқдан...» .....	76
«Ўзимга ҳайрон қоламан — гулларни...» .....	76
«Деворлар — фурсат тасмаси...» .....	77
«Баҳор табиат боролмайдиган...» .....	77
«Фазалкентнинг ғазал тула боғлари...» .....	77
«Жулдур кеча, мункайган девор...» .....	78
Қоқигул .....	78
Момомнинг эчкиси .....	79
«Ким учун баландман...» .....	82
«Күёш туғилди дод-эй...» .....	82
«Муҳаббат кўзаси зардобга тула...» .....	85
«Бошингни тошлиарга ургин дедилар...» .....	86
«Бутадилар боғдаи паст дараҳтларни...» .....	86
Кўзи ожизнинг шеъри .....	88
«Кўлимга бир шиша тутқаздилар...» .....	89
«Бир юртда янги бино қад кўтарди...» .....	90
«Кундан-кун ўсмоқда Гулливер...» .....	90
«Эшикнинг нарёғида нима бор...» .....	92
«Юқори»нинг кўрсатмаси .....	93
«Кута-кута милт-милт ўчди чироқларим...» .....	94
«Умр дараҳтида япроқдир жисмим...» .....	96
«Бошимда ўстирдим қора ҳасратни...» .....	96
«Тўқнашади икки дунё...» .....	97
Үтинчи қиз .....	98
«Ёлғизлик, мен сенга тинчлик тилайман...» .....	102
«Лабларим япроқлар — сўзлар совурди...» .....	103
Етти йил .....	104

Қоғоз кема .....	105
Аскар құшиғи .....	106
«Хаммаси тугайди ғаройиб ва соз...» .....	106
«Күм-күк дараҳт, күм-күк мамлакат...» .....	107
«Нур әлаган қафтларимда ғулларим тиграйдилар...» .....	107
«Япроқ ёнар, дараҳт ёнар...» .....	108
«Ой үйғонди ола-була далада...» .....	108
«Зулумот тирилди тунги боғларда...» .....	109
«Бармоғининг узук тақсам узук ҳам эриб кетди...» ..	109
«Тош шаҳарнинг қўчалари кўп...» .....	110
«Кўксимга оловлар қалади фалак...» .....	110
«Жамолинг нурига ташнаман...» .....	111
Кишлоказда .....	112
«Излай-излай, гадоликдан...» .....	113
«Ҳамён — қорин оч-ку ўлгудай...» .....	113
«Янги замонда янги...» .....	114
«Сени яна қандай чақирай...» .....	114
«Юрак саҳронинг қоқ ўртасидаги...» .....	114
«Йиқиламан бир кун пойинлта...» .....	115
«АЗоблайди юришими керак...» .....	116
Тошкент осмони ҳақида ғамгин ўлан .....	117
«Келдим қошингизга сизни кўргали...» .....	118
Мубориз .....	119
Тили узун одам .....	121
Қўли узун одам .....	121
Тили қисқа одам .....	121
Қўли қисқа одам .....	122
Октябрь .....	122
Капалак .....	123

**Адабий-бадиий нашр**

**Салим Ашур**

**С Е Н С И З**

**Шеърлар**

**Муҳаррир: Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ**

**Бадиий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ**

**Техник муҳаррир: Вера ДЕМЧЕНКО**

**Мусаффих: Мақсуда ХУДОЁРОВА**

**Компьютерда саҳифаловчи: Екатерина НАЗАРОВА**

**Муқояя «ArtNol» дизайни марказида тайёрланди**

**ИБ 3874**

**Босишга 9.02.2004й.да рухсат этилди. Бичими 70x84 1\32.**

**Босма тобоги 4,0. Шартли босма тобоги 4,35.**

**Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.**

**Буюртма № 54.**

**«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.**

**«Ёшлилар матбуоти» босмалонасида босилди.**

**700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.**